



МУНОСАБАТ



МУСТАҚИЛЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида кунги кеча Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қуrolли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислохотлар таҳлил қилиниб, мудофаа сиёсатини мазмунан янги босқичга олиб чиқиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган ижтимоий ва стратегик янгиликлар шунчаки навбатдаги ўзгаришлар эмас, балки бугунги мураккаб

геосиёсий шароитда Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатъий жавобдир, десак айни ҳақиқат бўлади.

Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини нафақат мустаҳкамлади, балки уни минтақадаги энг замонавий ва жанговар армиялардан бирига айлантирди. Жаҳон тажрибаси ва замонавий таҳлиллардан келиб чиқиб, ички ва ташқи хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича янги жанговар бўлинмалар тузилди, қўшинлар таркиби оптимallasштирилди. Бугунги урушлар “технологиялар жанги”га айланиб бораётгани инobatга олиниб, Ўзбекистон армиясида учувчисиз учуш аппаратлари

бўлинмаларининг ташкил этилиши стратегик қадам бўлди. Бу нафақат разведка имкониятларини кенгайтиради, балки ишонларга юқори аниқликда зарба бериш қобилиятини ҳам оширади.

Армияни рақамлаштириш жараёни эса бошқарув тизимининг тезкорлигини таъминламоқда. Рақамли технологиялар қўшинларни бошқаришда инсон омилини камайтириб, қарор қабул қилиш вақтини бир неча баробарга қисқартиради.

Армияни модернизация қилиш ва замонавий қуrolлар билан таъминлашнинг янги тизими – мудофаа саноати янада ривожлантирилди, қўшимча корхоналар ташкил қилинди.

(Давоми 2-саҳифада). ➤

ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

✓ 2026 йил 15 январдан Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг биринчи босқичи расман бошланди.

✓ Ўзбекистон Миллий университети Математика факультетининг 2-босқич талабаси Абдуваҳоб Аширов “RUDNMATH OLYMP-2025” III халқаро математика олимпиадасида иштирок этиб, яқка тартибда 1-ўринни эгаллади.

✓ Марказий банкнинг маълум қилишича, 14 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 1 грамм олтин қўямаси нархи рекорд даражага – 1 миллион 852 минг сўмга етди.

ЖАДИДШУНОСЛИК

БЕҲБУДИЙ ЙИЛИ

ЎЗЖОКУ профессори, филология фанлари доктори Ҳалим САИДОВ билан суҳбат

– Домла, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 150 йиллиги ва бу сана билан боғлиқ воқеалар Сизда қандай таассурот қолдирди?

– Албатта, ҳар бир ўзбекистонлик учун хайрлашган йилмиз ўз соҳасида бетакрор ўтган бўлиши мумкинлигини ва уларнинг

фикрларини ҳурмат қилган ҳолда таъкидлаб айтманки, 2025 йил камина учун бетакрор ватандошимиз, халқимиз донишмандларидан бири сифатида тарихга кирган Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомизнинг йили бўлди.

(Давоми 3-саҳифада). ➤



АКАДЕМИК АЗИЗХОН ҚАЮМОВНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

Азизхон Қаюмов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қайюмий хонадонидан 1926 йилнинг 19 январь кунги дунёга келган. Бу маърифатпарвар оиладан кейинчалик икки машҳур адабиётшунос етишиб чиқиши бежиз бўлмаган. XX аср боши Қўқон шаҳрида янги усулдаги мактабларнинг моҳир муаллими, жадидона янгича қарашли Пўлатжон домла фарзандлари тарбиясига махсус эътибор берар, оилада илму адабиёт руҳи устун турарди.



ИЛМ АЗИЗ ҚИЛГАН ЗОТ

Кейинчалик “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти”, “Тазкираи Қайюмий”, “Тазкират уш-шуаро” асарларини ёзган домла ўлкашунос тарихчи ва мумтоз адабиётнинг катта билимдони сифатида ҳам машҳур эди. Уларнинг шажараси эса мирзоларга бориб, хонлик даврида ҳам илм-маърифатли хонадон сифатида маълум бўлган.

Ўқувчи Азизхон шеърга ҳаваси туфайли Ўзбекистон халқ шоири Чархийга шогирд тушган. Бу эса унинг ҳаётидаги муҳим бурилишга замин ҳозирлади. 1944 йилнинг баҳор кунларидан бирида ўша вақтлардаги давлат арбоби Усмон Юсупов Қўқонга боради. Ўз одатича, қўқонлик адабиёт ва санъат аҳлини чорлайди. У Чархий домлани кўпроқ ҳурмат қилар ва ҳофизлардан қўшиқ тинглашни хуш кўрарди.

(Давоми 4-саҳифада). ➤



ШУ СОНДА:

“ШУ САФДА МЕН ҲАМ БОРМАН!”

(4-саҳифада ўқинг). ➤



2026 ЙИЛ - МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

УЛКАН СИЁСИЙ ИРОДА



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномаси мамлакатимизнинг яқин ва узоқ истиқболдаги тақдирини белгилаб берадиган концептуал ҳужжат бўлди. Давлат раҳбари ўз нутқида 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиши замирида улкан сиёсий ирода ва инсонпарварлик фалсафаси ётибди. Бу Янги Ўзбекистон давлатчилигини барпо этишда “пастдан юқорига” тамойилининг амалда намоён бўлишидир. Маҳалла энди ислохотларнинг “бош оператори” ва ижтимоий адолатнинг ҳақиқий кўзгусига айланди.


(Давоми 2-саҳифада). ➤



ИЛМ ЙЎЛИ

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Биология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Тўраҳон УЗОҚОВА билан суҳбат



– Илм йўли мураккаб. Хотин-қизларнинг умрини илм-фанга бағишлаши эса катта жасорат. Қувонарлиси, юртимизда бугун ана шундай жасорат соҳибалари сафи кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

– Илм йўлидан борганлар – энг бахтли инсонлар, деб ҳисоблайман. Бир сулолада битта олима бўлса ҳам, у бутун қариндош-уруғ, маҳалла-қўйга намуна бўлади, атрофидаги ёшлар қалбида илмга муҳаббат уйғотади. Энди ҳар бир оилада илм кишиси бўлса, ҳар бир она илмли бўлса, жамият қандай камол топишини тасаввур қилинг.

(Давоми 5-саҳифада). ➤



ФАХРИЯ



Ғафур ҒУЛОМ

ЙИГИТЛАРГА

Йигитлар халқларнинг мақтови-кўрки, Наслнинг жавҳари, давлат таянчи, Юртнинг ободлиги, тўйлар сабаби, Элнинг гуркираши, файзу қувончи...

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ, Қалқон бор: қалъа бут, кўрғон саломат. Қизлар кулгусида авжи даромад, Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Йигитлик умрининг бир кўкламига Бир бутун замонни алишсанг арзир. Арзир, бўз йигитнинг қадами учун Замонлар, кўкламлар бўлса мунтазир.

Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар... Расо қоматингиз бизга асодир, Уфуринг, боғимиз бўлсин муаттар.

Сиз, ахир, ўлимни юртдан қочириб, Ҳаётни пойидор қилган аскарсиз. Сиз, ахир, улуг юрт иқболи учун Жон тиккан эрларсиз, зотсиз, нафарсиз.

Атомлар қуввати пок қалбингизда Ва сиздан кутади тақдирин жаҳон: Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат Сизга таянади, сиздир посбон!



АБАДИЯТ ОРАЛАБ...

БАДИИЯТ ДАРҒАСИ

Мустабид тузум иллатларини чуқур англаб етган адабиётшунос, танқидчи ва таржимон Асил ака Рашидов ҳақида гапирганда, ҳар гал ички бир тараддуд сезаман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Асил Рашидов таваллудининг 95 йиллиги бағишланган “Эътироф” китобини ўқир эканман, бутун умрини миллий адабиётимиз, маънавиятимиз ривожига бағишлаган, чин маънодаги фидойи, серқирра ижодкорнинг бадиий-ижодий салоҳияти ва беназир шахсияти кўз ўнгимда гавдаланди. Замонодошлар хотиралари жамланган ушбу китоб Инобатхон Рашидова томонидан нашрга тайёрланган экан.

Асил акани аспирантлик чоғларидан биламан. Чунки бир вақтда аспирантурага киргандик. Аммо кейинчалик ўқишни ватанпарварлик ва миллий кадрлар етиштиришда тенги йўқ забардаст олим, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ҳабиб Абдуллаев тавсиясига кўра, Ленинградда давом эттиришимга тўри келди.

50-йиллар охири эди. Сентябрь миёнасидан декабрь ниҳоясигача ўзбекистонлик барча аспирантлар қаторида пахта теримида бўлиб, илк бор Асил ака билан яқиндан танишганман. Сиёсат шунақа эди-

да, ўқувчимисан, аспирантмисан, академикмисан – фарқи йўқ, ҳамма далага ҳайдалар, “оқ олтин”ни сўнгги мисқолигача териб олиш шарт эди.

Балки, бугунги авлодда савол туғилар: “Асил акангиз республиканинг ўша пайтадаги раҳбарларидан бири бўлмиш Шароф Рашидовнинг туғишган укаси, жон-жигари бўлса, теримда нима қилиб юрибди?” У киши Шароф Рашидовнинг кенжа укаларидан бўлса-да, ҳеч қачон акасининг мавқеини суиистеъмол қилишга уринмаган. Оилавий аънага кўра, Шароф Рашидов Олий Совет Президиуми Раиси бўлганда ҳам, биринчи котиблик даврида ҳам оила аъзоларини, биринчи навбатда укаларини ўз меҳнати билан яшашга ўргатган, бу масалада қаттиққўл бўлган. Шундай тарбия кўрган Асил ака ҳам ўз билимига, иқтидори ва кучига ишонган, нимага эришган бўлса, ҳалол меҳнати сабабли эришган инсон эди.

Шу ўринда Шароф Рашидов билан боғлиқ бир воқеани айтмасам, инсофдан бўлмас. 1982 йилнинг кузи. Сурхондарёдаги Жарқўтон бронза даври ёдгорлигида қазишмалар олиб бораётган эдим. Бир куни манзилгоҳга Шароф Рашидов таширф буюрди. Мен 2-2,5 метр чамаси чуқурликда қабила сардорининг қабрини очиш билан банд эдим. Раҳбарлар келганини сезмай қолибман. Қарасам, Шароф ота мен томон яқинлашиб, қўл узатяпти. Шогирдларимга тезда нарвон, сув ва сочиқ келтиринглар, дедим.

Шу пайт Шароф Рашидович: “Сизнинг қўлингизга юққан аждодлар гарди менинг қўлимга ҳам юқсин”, деб мени бағрига босиб, оталарча манглайимдан ўпди.

Асил ака ана шундай зотнинг жигари эди, ўзи ҳам юқсак фазилат руҳида тарбия топган шахс, ижодий меҳнатда тобланган жасур журналист, букилмас ирода соҳиби, таниқли адабиётшунос олим, моҳир таржимон бўлиб етишди.

Асил Рашидов портретидаги энг муҳим чизгилардан бири буюк адиб Чингиз Айтматов билан боғлиқ. Ўзбекистонда Айтматов ижодини чуқур биладиган, асарларининг барчасини ўқиб, уларда кўтарилган ғояларни теран англаб етган Асил Рашидовдек бадиият дарғаси кам бўлса керак.

Бунинг сабаби бор, албатта. Асил ака нафақат Чингиз оға ижодининг қаймоғини ўзбек китобхоналарида юқсак маҳорат билан еткази олдди, улар ҳақида қатор мақолалар, китоб ва адабий портретлар эълон қилди. Узоқ йиллик ижодий изланишлар ўлароқ майдонга келган “Чингиз Айтматовнинг бадиий олами” асари юқорида эътироф этилган уч йўналишдаги меҳнат ҳосиласи, ўзбек миллий адабиётшунослигининг ёрқин тимсоли бўлиб тарихга кирди.

Тарихда ҳам, ҳозир ҳам таржимонман, деганлар кўп. Аммо бадиий таржима ўта мураккаб иш, ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайди. Тил билишининг ўзи камлик қилади. Бундай таржимон киши руҳининг



ички дунёсига кира билиш иқтидори эга бўлиши керак. Бу аснода Асил ака беназир эди. Унинг бу ноёб иқтидорига Чингиз Айтматовнинг ўзи ҳам тан берган.

Асил ака ижод билан бирга педагогика институтида узоқ йиллар адабиёт фанидан дарс бериб, навқирон қалбларни бу сеҳрли дунёнинг сир-асрорлари билан ошно этди.

У кишининг “Акам ҳақида” номли рисоласи Шароф Рашидовни юрт сардори, ижодкор сифатида эмас, балки оила бошлиғи, меҳрибон ота ва ака сифатидаги соф инсоний фазилатларини мухтасар тарзда ифода этгани билан ҳам қимматлидир. Аслида, Асил ака бир умр акаси қилинган тухмату ёлғонлардан озор чекиб ўтди. У кишининг илм-маърифатга тўлган қалби бўҳтонларга узоқ бардош бера олмади. Давлат ва халқ Шароф Рашидовнинг пок номини тиклаб, хотирасини улуғлагандан кейин у кишига тош отганларнинг бирдан ўзгариб қолганини кўрганда аллома таржимон ҳаёлидан нелар ўтди экан...

Китоб баҳона, улуғларимизни ёд этдик. Илоҳим, иккисининг ҳам руҳи шод бўлсин!

Аҳмадали АСҚАРОВ,
академик,
“Буюк хизматлари учун”
ордени соҳиби

УЛКАН СИЁСИЙ ИРОДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Инсоният тарихида давлат ва жамият муносабатларини тартибга солувчи моделлар бисёр. Ўзбек халқининг кўп асрлик аъналаридида маҳалла шунчаки яшаш жойи бўлишидан ташқари, инсон ва жамиятни боғлайдиган, одамларнинг қувончу ташвишига шерик бўладиган ноёб институционал тузилмадир. Президент Мурожаатномасида маҳалланинг ислохотлар марказига қўйилган миллиятнинг тарихий илдизларига қайтаётганига яна бир далилдир. Бугунги кунда “Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил маҳалла кесимида ўзининг амалий ифодасини топган. Эндликда ислохотлар самараси вазирликларнинг ҳисоботларида эмас, балки маҳалла аҳлининг кундалик ҳаётида, уларнинг дастурхонидаги тўқилликда ва кўчаларидаги ободликда акс этади.

Мурожаатноманинг энг диққатга сазовор ўринларидан бири маҳалла тизимининг иқтисодий асосларини тубдан ўзгартаришга қаратилганидир. Дунё тажрибасида маҳаллий бошқарув органларининг муваффақияти уларнинг молиявий мустақиллиги билан ўлчанadi. 2026 йил 1 январдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғининг бир қисмининг (худудларда 20 фоиз) тўғридан-тўғри туман бюджетига қолдирилиши – бу давлат молия тизимидаги “децентрализация”нинг энг юқори нуктасидир. Бу тизим маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчисини тадбиркорликни ривожлантиришга “мажбур” қилади. Чунки эндликда маҳаллада очилган ҳар бир янги корхона тўлаган солиқнинг бир қисми ўша маҳалланинг йўлини асфальт қилишга ёки мактабини таъмирлашга сарфланади. Бу эса маҳалла аҳлини ислохотларнинг ижтимоий истеъмомчисидан фаол сармоядорига айлантиради.

Мурожаатномда таъкидланганидек, давлат харидларининг тўлиқ шаффофлаштиши иқтисодиётнинг энг орқилик нуқталаридан бири бўлган коррупциянинг олдини олишда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Энг аввало, манфаатлар тўқнашувига чек қўйилади. Комплаенс назорати орқали ҳар бир шартнома ва тендер жараёни бирма-бир кўздан кечирилади. Иккинчидан, бюджет маблағлари тежаланиди. Очиқлик шартотида сунъий равишда оширилган нархлар ва “таниш-билишчилик” тизими барҳам топади. Учинчидан, тадбиркорлик учун тенг имкониятлар яратилади. Эндликда давлат буюртмаларини фақат сифатли хизмат кўрсата оладиган ва ҳалол рақобатда енгган субъектлар қўлга киритади.

Маҳалла бюджети устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши бу давлат бюджетининг энг қўйи бўғинини тўғридан-тўғри халққа топшириш демакдир. Бу ислохотнинг аҳамияти турли жиҳатларда намоён бўлади. Хусусан, маҳалла аҳли энди суут кузатувчи эмас, балки ўз ҳудудини ривожлантириш учун масъул бўлган “акциядор”га

айланади. Муаммолар манзилли ҳал этилади. Маблағлар бевосита маҳалла йиғинларида одамларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб йўналтирилади. Қаердаки назорат маҳаллий аҳоли қўлида бўлса, у ерда маблағларни талон-торож қилиш имконияти минимал даражага тушади.

“Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойил эндликда амалий механизмлар билан мустаҳкамланмоқда. Маълумки, муҳтарам Президентимиз фуқароларда ижтимоий масъулият ҳисси кучли бўлиши кераклигини доимий таъкидлаб келади. Фуқароларнинг бюджет жараёнларида фаол иштирок этиши одамларда “бу менинг пулим, бу менинг юртим” деган дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Бу эса ижтимоий масъулликдир. Бир сўз билан айтганда, комплаенс ва жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши – коррупцияга қарши курашнинг энг самарали, демократик йўлидир. Бу тизим ишлаши учун нафақат давлат иродаси, балки ҳар бир фуқаронинг фаол позицияси, ҳуқуқий маданияти ва назорат қилиш иштиёқи сув ва ҳаводек зарур.

Мурожаатномда, шунингдек, глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шариотида маҳалла экологик маданиятнинг маркази бўлиши шартлигига ургу берилди. Ҳар бир маҳаллада “яшил боғ”лар яратилиши ва сугориш тизимларининг тикланиши табиий мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Президентнинг Тошкент шаҳрида 150 километр ёпиқ дренаж тизимини барпо этиш ва каналларни бетонлаш бўйича ташаббуси шаҳарларда салқин микроклим яратишга қаратилган. Бу маҳалла аҳлининг яшаш шариотини сифат жиҳатида ўзгарилади. Сувдан оқилана фойдаланиш маданияти ҳам айнан маҳалладан бошланади. 5,5 миллиард долларлик сув тежовчи технологиялар дастури маҳаллалардаги деҳқон ва фермерларнинг дунёқарашини ўзгарилади.

2026 йилда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар иқтисодий кўрсаткичларни, жамиятимизнинг маънавий-руҳий мухитини ҳам тубдан ислох қилади. Бу эса, биз ўзгаришларни кутиб яшамайдиган, балки уларни маҳаллаимизда, ўз қўлимиз билан яратадиган даврга қадам қўйдик, деганидир.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида Мирзо Улуғбек бобомизнинг юлдузлар харитаси ҳақидаги ўхшатишни бежиз келтирмади. Олти аср аввал юлдузларни забт этган миллат фарзандлари бугун ердаги фаровон ҳаёт харитасини чизмоқдалар. Зеро, “Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!” Маҳалла – мана шу бирлиكنинг маркази, ислохотларнинг “бош оператори” ва Янги Ўзбекистоннинг музаффар келажагидир.

Қамолиддин ТўРАЕВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлими
бошлиғи

Бошланиши 1-саҳифада.

Қуролли Кучларимиз томонидан 20 дан зиёд мамлакат билан икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 400 дан ортқ қўшма машғулотларда юқори кўрсаткичларга эришилди.

Машғулотлар сони ва шиддатининг 1,5 баробарга оширилгани, албатта, шунчаки рақам эмас. Бу ҳарбий хизматчиларнинг реал жанговар шариотларга мослашувчанлиги ошганидан далолатдир. Янги тактик усулларнинг жорий этилиши эса қўшинларнинг нафақат аънавий фронт чизигида, шаҳар шариотида, тоғли худудларда ва локал низоларда ҳам муваффақиятли ҳаракат қилишига замин яратмоқда.

Халқаро Global Firepower Index рейтингига Ўзбекистон армияси Марказий Осиёда биринчи, МДҲда тўртинчи ва дунёнинг 162 мамлакатидан орасида 58-ўринда қайд этилган. Ушбу индекс мутахассислари армияларни баҳолашда олтидан ортқ мезонни ҳисобга олган. Бу рақамлар ҳам армиямизнинг тобора илғор армияга айланиб бораётганини намоён этади.

Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг ташкил этилиши Ўзбекистон ҳарбий таълим тизимидаги энг муҳим бурилиш нуқта бўлди.

Президентимиз ташаббуси асосида ташкил этилган бу олийгоҳнинг мақсади шундан иборатки, бугунги аскар ва офицер фақатгина қуролни ишлата олиши кифоя эмас, у таҳлил қила оладиган, тезкор қарор қабул қиладиган ва юқори технологияларни бошқара оладиган интеллектуал шахс бўлиши лозим. Миллий армиямизда маънавий-руҳий тайёргарликка эътибор ватанпарварлик ҳиссини фақат шioriлардан эмас, балки ҳар бир ҳарбий хизматчининг онгида шакллантиришга йўналтирилган аҳамиятлидир.



Президентимизнинг соҳа бўйича белгилаб берган янги вазифалари шуни кўрсатадики, замонавий армия юқори технологиялар ва кучли ижтимоий институтлар мажмуига айланмоқда. Энг катта инқилобий ислохотлардан бири – муддатли ҳарбий хизматнинг ижтимоий моҳияти ўзгаришидир.

Ҳарбий қисмларда 3-6 ойлик касбга тайёрлаш курсларининг жорий этилиши аскарнинг уйга сертификатланган мутахассис бўлиб қайтишини таъминлайди. Шу билан бирга, қуролли кучларда IT-авлодни шакллантириш масаласи Давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион СИ етакчиси” лойиҳаларига ҳар йили 5 минг аскарнинг жалб этилиши давлатнинг келажақдаги рақамли иқтисодиёти учун кучли заҳира яратяди.

Ҳарбий қисмининг ўзида олийгоҳга кириш имтиҳонларини топшириш ва талабалikka қабул қилиниши билан хизматдан сўнг дарров ўқишни бошлаш тизими ёшларнинг вақтини тежайди ва илмий салоҳиятини оширади.

Президентимиз томонидан илгари сурилаётган янги ташаббуслар миллий армиямизни шунчаки ҳарбий куч эмас, балки юқори технологияга асосланган, кучли интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга замонавий тизимга айлантириш йўлидаги муҳим қадамдир. Технология ва маънавиятнинг синтези миллий хавфсизликни таъминлаш билан бирга, армия сафига хизмат қилаётган ёш авлоднинг келажақда юқори малакали кадрлар бўлиб етишишга ҳам замин яратяди. Бу эса, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон армиясининг халқ ҳимоясига ва ҳар қандай замонавий таҳдидларга доимо тайёр бўлишини кафолатлайди.

Йиғилишда мудофаа доктринасини янгилаш борасида ташаббус ҳам илгари сурилди. Гап шундаки, 2017–2025 йилларда мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тақомиллаштирилди, ҳуқуқий база янгиланди. Хусусан, 2018 йил 9 январда “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. У билан Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси, жанговар кучи ва тайёргарлиги, шунингдек, мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланди. Аммо дунёда геосиёсий вазият кескинлашиб, гибрид урушлар ва кибертаҳдидлар хавфи ортиб бораётган бир даврда, 1997 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепцияси ва 8 йил аввалги Мудофаа доктринасининг эскиргани сир эмас. Янги доктринада ҳам блокларга қўшилмаслик сиёсати устувор мақсад бўлади. Ўзбекистон ўз мустақил ташқи сиёсатини давом эттириб, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга аъзо бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, янги доктрина армияни технологик янгилаш учун асос бўлади.

Ҳар қандай армиянинг қудрати замонавий қурол-яроғ билан бирга, маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилган, ўз оиласи ва келажақидан қўнгли тўқ бўлган ҳарбий хизматчилар билан белгиланади. Президент томонидан эълон қилинган ойлик маошлар ва устамаларнинг оширилиши шунчаки иқтисодий кўмак эмас, балки давлатнинг ўз ҳимоячиларига бўлган юқсак эътибори намунасидир. Шу маънода, Мудофаа вазирлиги офицерларининг кўп йиллик хизмати учун устаманин 2 қарра оширилиши профессионал кадрларни тизимда сақлаб қолиш ва уларнинг тажрибасини қадрлашга хизмат қилади. Оддий аскар ва сержантлар маошининг оширилиши эса шартнома асосидаги хизматнинг жожибадорлигини янада кучайтиради. Худудий мудофаа ишлари бошқармаларининг ҳарбий бўлмаган ходимлари иш ҳақининг босқичма-босқич (20 фоиз ва 50 фоиз) кўтарилиши тизимнинг маъмурий бошқарув самодорлигини таъминлайдиган ходимларни ҳам унутмаслик кераклигини кўрсатади.

Энг муҳим янгиликлардан бири – 30 йилдан ортқ хизмат қилган ҳарбийлар учун пенсия ҳисоблашда инobatга олинадиган ойлик миқдорининг 75 фоиздан 100 фоизга етказилишидир. Бу қадам ҳарбий хизматни умрининг мазмуни деб билган инсонларнинг кексалик даврини муносиб ўтказишини кафолатлайди. Янги ишлаб чиқиладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун лойиҳаси эса соҳадаги ижтимоий адолатни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Янгиланаётган Мудофаа доктринаси ва ижтимоий имтиёзлар тизими Ўзбекистоннинг тинчликсевар, аммо ҳар қандай таҳдидга муносиб жавоб бера оладиган, замонавий ва инсонпарвар миллий армия қуриш йўлидаги қатъий қадамидир.

Қамолиддин БАДАЛОВ



БЕҲБУДИЙ ЙИЛИ

ЎзЖОКУ профессори, филология фанлари доктори Ҳалим САИДОВ билан суҳбат



Бошланиши 1-саҳифада.

Жуда кўп савобли ишлар амалга оширилди. Уларни “Jadid” газетаси мунтазам ёритиб борганини муштарийлар яхши билади.

– Маҳмудхўжа Беҳбудийга бағишланган “Туркистон даҳоси” китобингиз чоп этилгани билан табриклаймиз. Асар аллома таваллудининг 150 йиллигига муносиб тўхфа бўлди. Жадидларга қизиқишингиз қачондан бошланган?

– Раҳмат табрик учун. Жадидларга қизиқишим бобом туфайли ўқувчилик давримдан бошланган. Илк бор “Ойина” журналини, адашмасам, еттинчи ё саккизинчи синфлигимда кўрганман. Ўша фурсатда бобом устозлигида “Ҳафтияк”дан “Чоркитоб”га ўтган эдим. “Чоркитоб”нинг ҳарфига кўникишим қийин бўлгани боис, зеру забарсиз ҳар хил эски китобларни топиб ўқишга ҳаракат қилардим. Бу ҳарф таниш кўникмани чархларди. Бир кўни ертўлада яшириб қўйилган араб алифбосидаги китобларни кўриб қолганман. Улар орасида “Ойина” журнали саҳифаларига кўзим тушди. “Бобо, нега бу китоблар ертўлада сақлангани?” деб сўраганман. У киши биров сукут сақлаб: “Рухсат берилган китобни ўқийвер, болам”, деганлар...

1987 йилда журналистика факультетига ўқишга кирдим. Мустақиллик арасида бир домламиз билан жадидлар борасида тортишиб қолганман. Фикрингни илмий жиҳатдан исботлаб бергин, дея баҳсга голибона нуқта қўйганди домла. Шу воқеа бўлиб, яна “Ойина”га, Беҳбудий ижодида жиддийроқ мурожаат қила бошлаганман. Илк мақолам курсимизнинг деворий газетасида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган. Устозим Маҳмуд Саъдий далдаси ва илмий раҳбарлигида диплом ишим мавзуси ҳам Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолиятига бағишланди. Кейинчалик илмий жамоатчилик орасида шов-шув бўлган яна қатор материалларим шу нашрда чоп этилди. Бу пайтда мен аспирантурада Беҳбудий мавзусини чуқурлаштириб тадқиқот олиб бораётган эдим.

Умуман, жадидларга меҳрим бўлакча. Буларнинг ўртасидаги баҳс-мунозаралар, айниқса, меҳр-оқибат мени ҳайратга солган. Масалан, Беҳбудий “Самарқанд” газетаси иқтисодий қийинчилик сабаб ёпилишини нашр орқали эълон қилади. Газета эрталаб Тошкентга етиб келгач, Мунаввар қори воқеадан хабар топади, шахсан ўзи уйма-уй юриб шаҳар зиёлилари, бойларидан маблағ тўплайди. Пулни тугунчага ўраб, ўша кунiek кеч пайти поездда Самарқандга йўлга чиқади. Эрталаб “Самарқанд” газетаси тахририятига кириб боради ва газетани чоп этишда давом этиш кераклигини муҳаррирга айтади. Бу гапларни ўз даврининг забардаст зиёлиси Мунаввар қори Абдурашидхонов эмас, унинг ортидан тушган “Шахриябский” лақабли хуфя “охранка” идорасига ёзиб берган. Оқибати нима бўлишидан қатъи назар, ўзаро муносабат, ҳаракатни қаранг! Тасаввур қиялпсизми? Бунинг учун қанақа инсон бўлиш керак? Дарвоқе, Беҳбудий сафдоши Мунаввар қорига Мунаввархон дея мурожаат қилган экан.

Энг кўп азоб тортган, тазйику таҳдидларга учраган, ўз мақсадида қайтмаган, алапоқибат қурбон бўлган дастлабки жадидлар Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳисобланади. Чор “охранка”сининг ҳам, большевикларнинг ҳам қора рўйхатида, сиёсий, тарихий адабиётларида Беҳбудий ва Мунаввар қорининг номи кетма-кет келади. Уларга тақалмаган айб, жиноят, қабихлик қолмаган ҳисоб. Айниқса, уларнинг ҳар қадами тугул, олган ҳар нафасини НКВД (кейинчалик КГБ) жосуслари кузатган.



“**Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан Маҳмудхўжа Беҳбудийга тенг келадигани йўқ деб ўйлайман.**

Файзулла ХЎЖАЕВ

Мустамлакачилар улардан шу даражада хавфсизраган, қўрққан.

Ҳатто, истиқлолнинг дастлабки даврида ҳам бунинг таъсири кузатилди. Мисол учун Фитрат, Қодирий сингари жадидларимизга эътибор бўлди, лекин Беҳбудий билан Мунаввар қори сояда қолиб кетаверди. Айтиш керакки, бу тарихий камчилик Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бартараф этилди. “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” Президент қарори имзоланди. Мана шу катта тўйга мен ҳам кичик ҳиссамни қўшишни ният қилгандим. Китоб чоп этилишида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти яқиндан ёрдам берди, ҳомийлик қилди. Чоп этилгач, илк муносабат “Jadid” газетасида босилди. Муаллиф профессор Баҳодир Каримовнинг фикрларини ўқиб, жуда хурсанд бўлдим.

Беҳбудий ва сафдошларининг заҳматлари олдида бизнинг меҳнат ҳеч гап эмас. Бу улуг зотлар хотирасини ҳурмат қилишимиз, улар ҳақида янада кўпроқ тадқиқотлар олиб боришимиз, ёзишимиз, энг муҳими, уларга муносиб бўлишимиз керак.

– Китобларингиздан бири “Маърифат либосидаги озошлик” деб номланади. Модомики, озошликка маърифат орқали эришиш мумкин экан, уни сақлаб қолишда ҳам илм-фаннинг ўрни беқиёс бўлади. Шундай эмасми?

– Беҳбудий ўз мақолаларида бир-икки одам ёки эллик киши билан тараққий бўлмайди, дейди. Мана, биринчи газетамизнинг номи ҳам “Тараққий”. Тараққий – ривожланиш дегани. Ривожланишнинг моҳиятида Озошлик ётибди, яъни эллик-олтмиш чоғли киши билан озошликка эришиб бўлмайди. Миллатни сафарбар қилиш учун эса илм-маърифат керак, дейди.

“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, илм ва фандан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Беҳбудий мақола, ҳикоя, драма ёзган, газета-журнал очган, таржималар билан шугулланган. Барча воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилган, шу жараёнда беихтиёр жадидга – янгилик яратувчига айланган. Чунки унда тайёр қолип йўқ эди. Ўзи йўл очиб юришга мажбур эди. Нима қилса ҳам, шу миллатнинг онгини юксалтириш орзусида бўлган. Бошқа жадидлар ҳам шу, ҳаммасининг мақсади ягона. Шунинг учун бугун ҳам олдимизга савол қўйишимиз керак: “Биз миллатнинг онгини юксалтириш учун нима қилаймиз?” Ҳаммаси улар айтмоқчи, таълим-тарбия орқали амалга ошади.

Чор мустамлакачилари босиб олинган ўлкаларга замонавий фанларни ўрганишга атайлаб йўл бермаган. Бор тарихни ҳам сохталаштириб, халқни аждодларининг бой меросидан маҳрум қилган. Жадидларнинг биринчи қиладиган иши тарихни ҳолис кўрсатиш эди. “Самарқанд” газетасининг биринчи сонида Регистон ансамблининг виқорли сурати босилган. У пайтларда сурат жуда қимматга тушса-да, Беҳбудий маблағни аямаган. Нега? Амир Темурнинг сўзларини эсланг: “Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқин”. Сурат боболардан фахрланиш, поймол бўлган гурурни кўтариш учун берилган. Шу билан билга, тарихда қандай хато қадамлар ташлангани, буюк давлатимиз парчаланди, миллатимиз

бошқаларга поймол бўлди, деган саволга жавоб берувчи мақолалар ёзишган, дарсликлар яратишган. Жадидларнинг дарсликлари фақат ўқув адабиёти эмас, хоҳ тарих, хоҳ география бўлсин, мавзулар қатларига миллий хурлик ғояси сингдирилган.

– Домла, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида таълим бeryapcиз. Бугун ёшлар ўртасида бир баҳс кетмоқда: замонавий журналистикада амалиёт ва назария ўртасидаги мувозанатни қандай ушлаш керак? Журналистга диплом керакми?

– Бу эски баҳс. Бир фикрим бор: ўқимаса ҳам журналист бўлиш мумкин. Лекин олий таълим нима учун керак? Бунда мен асосий назарий билимларни билиш керак, деб ўйлайман. Биз совет даврида шуни билмаганмиз. Чунки бизга коммунистик матбуот назарияси бўйича дарс беришган. Мустақиллик бўлгач, домлалар уни бир юмала-тиб, демократик матбуот назарияси деб қўйишди. Лекин бу билан иш битмайди. Бугун дунёда қандай назариялар ўрганиляпти? Шу саволга жавоб топиб, уларни таълимга олиб кириш, ўз назарияларимизни яратишимиз керак. Масалан, Ғарб демократиясининг босиб ўтган учта машҳур назарияси бор: авторитар, либертариан ва ижтимоий масъулият назарияси.

Авторитар назарияга кўра, ҳукуматни, ўша пайтда – подшо ва унинг ҳокимиятини танқид қилиб бўлмайди. Шундан кейин либертариан назарияга ўтилган. Бу аграр жамиятдан саноатлашиш даврига ўтишга хизмат қилган. Либертариан назарияда фикрни айтиш ҳуқуқи берилган ва турли хил қарашлар жамиятга кириб кела бошлаган. Мана шу омил асосан иқтисодни ривожлантиришда туртки бўлган. Либертариан назариянинг ўзига хослиги шуки, унинг асосий мақсади ҳокимиятга ёрдам бераман, демак-дир. Гарчи авторитардан аъло бўлса ҳам, бунда барибир, ҳокимият матбуотни ўзининг хоҳишларидан ташқарига чиққани қўймаган. Кейин Америка, Европанинг катта қисми ижтимоий масъулият назарияси билан яшади. Мана энди, улар ахборий жамият назариясига ўтапти. Биз ҳам шу назарияни ахлоқий ўзига хослигимизни асраган ҳолда қўллашимиз керак. Давлат раҳбари олиб бораётган сиёсат ва ислохотлар ахборий жамият назариясига ўтишни тақозо қилади.

Масалан, жадидлар авторитар назариядан либертариан назарияга ўтишга ҳаракат қилган. Қатагонлардан кейин биз авторитардан коммунистик матбуот назариясига ўтдик. Бу ривожланиш эмас, пастга тушдик, дегани. Қандай қилиб? Агар Николой замонида эркин сўз айтганлар мулки мусо-дара қилиниб, қамалган бўлса, большевиклар уларни қатл этиш йўлидан борди. Энди биз, олимлар советлардан қолган қолиплардан воз кечиб, дунёнинг илғор назарияларини миллий кадриятларимизга мослаб ривожлантиришимиз керак.

Очиқ фикрни эшита оладиган аудиторияни яратишимиз керак. Бунинг учун фуқаро фозил бўлиши лозим. Уни ким тарбиялайди? Журналист, албатта. Шу нуқтаи назардан, журналист ўқиши керак, назарияларни билиши шарт. Бу назарияни амалга оширишда халқни ўзига ёрдамчи қилиш учун халқ билан ҳам ишлайдиган даражада фикрлайдиган журналист бўлиши керак. Фақат шов-шувни кўтариб, “оҳ-воҳ” қиладиган эмас.

– Кўриниб турибдики, сиз ниятда талабчан одам-сиз. Одатда, бундай шахслар аввало ўзига талабчан-лик қилади. Ўз фаолиятингиздан, ўтган йилларингиздан қониқасизми?

– Йўқ. Қониқдим, дея олмайман. Қониқдим, деган одам ишламаган бўлади. Ўз даврида кўтара олмаган масалалар мени қийнайди. Масалан, тил, алифбо масаласи, хусусан, лотин ёзувида ўтиш муаммолари, коллежлар масаласини охиригача кўтара олмаганмиз. Аслида, улар яхши ниятда ташкил қилинди, аммо ишлар охирига етмай қолиб кетди. Бунинг оқибати ҳалигача сезилиб турибди.

Мана, бугунги оддий мисол. Германия ҳамширалик иш ўрнига ўзбекистонликларни таклиф қилди. Лекин талабга яраша ҳамшира чиқмади. Чунки немис тилини билиш керак. Тил билганларда эса маълумот йўқ. Агар қизлар тиб-биёт коллежларида ўқиганида эди, ҳозир бемалол катта ойлик олиб ишлаётган бўларди... Шунинг учун ҳам таълим муаммоларини ёритишда етарли иш қила олмаганман, деб ўйлайман.

– Устоз, суҳбат давомида ўртага ташланмаган, лекин айтишни дилингизга тугиб қўйган фикрларингиз билан бўлисангиз.

– Илмни ривожлантириб, илм олиб, ёнимиздагиларга таъсир қилиб, миллатни ёстириш учун нима керак бўлса, ҳаммасини қилишимиз керак. “Энг зўр тўй қилиб, тарихда қоламан”, деган гап мақтанадиган нарсас эмас. Бугун билим олган, кашфиёт қилган, янги соҳа очган одамнинг мақтана-диган даври.

Яқин-яқингача ер ости ва ер усти бойликларимизни хомашё қилиб сотиб келдик. Тайёр маҳсулотга айланти-риб сотиш ҳақида энди ислохотлар бошладик. Нега биз-нинг брендларимиз арзон нархда-ю, бошқа давлатларнинг бренди қиммат? Биз уларни сотиб оламиз. Бунинг ҳаммаси илм, ўқиш, ҳунар билан боғлиқ. Битта ҳунар билан қолиб кетиш эмас, уни замонавий технологиялар билан бойитиш керак. Четдан тайёр қимматбаҳо автомобиллар ўрнига янги авлод ускуналарини олиб кириб ёки яратиб, хомашё-ни тайёр маҳсулотга айлантириб, дунёга тақдим этсак, ана ўшанда ривожланиш бўлади.

Умид шулки, бу йўлда астойдил меҳнат қилаётган фидойилар бор. Улардан ибрат олаётган, эргашаётган ёшлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ёшларимизга куч-ғайрат, сабр-матонат ва омад тилайман.

– Саломат бўлинг, катта раҳмат! Муштарийлар номи-дан Сизга илҳом ва сабот тилаймиз!

Суҳбатдош:
Зарнигор ИБРОҲИМОВА

МЕНИНГ ТАЖРИБАМ



ЎҚИТУВЧИ ТАШАББУСКОР БЎЛСИН!

Бугунги кунда ўқитувчи фақат дарс ўтувчи эмас, жамият тараққиётига ҳисса қўшувчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор шахс сифатида майдонга чиқмоқда. Мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар педагоглардан ҳам замон билан ҳамнафас бўлишни, билим ва тажрибани доимий бойитиб боришни талаб этмоқда.

Таълим ислохотларининг марказида педагог шахси турибди. Ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини ошириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар педагогларга бўлган юксак эътибор ифодасидир. Бу эътибор бизни янада масъулиятли, фидойи ва ташаббускор бўлишга ундайди.

Мен ўзимни оддий дарс билан чекла-ниб қоладиган ўқитувчи деб билмайман. Таълим сифати фақат синф хонасида эмас, балки турли лойиҳалар, танлов-лар, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ҳам ошишга ишонаман. Бу фао-лият ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш, уларни фан ва ҳаёт ўртасидаги боғлиқ-ликини англашга ёрдам беради.

Мақтабимизда амалга оширилаётган “Есо School” лойиҳаси фаолиятимда муҳим ўрин тутди. Ушбу лойиҳа доира-сида ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш, атроф-муҳитга масъу-лият билан муносабатда бўлиш кўник-маларини ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кимё фани билан бевосита боғлиқ бўлган эко-логик мавзуларни амалий машғулотлар орқали тушунириш, чиқиндиларни қай-та ишлаш, сув ва ҳаво тозаллиги, яшил ҳудудларни асраш каби масалалар ўқувчилар онгига сингдирилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида мактаб ҳудудини обо-донлаштириш, кўчат экиш, экологик ак-циялар, давра суҳбатлари ва тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бу тадбирлар нафақат ўқувчилар, балки бутун мактаб жамоасининг бирлашиб, умумий мақсад сари ҳаракат қилишига хизмат қилмоқ-да. Натижада ўқувчилар назарий билим-ларини ҳаётда қўллашни ўрганиб, фаол ва масъулиятли фуқаролар бўлиб вояга етапти.

Бугунги таълим ислохотлари ва пе-дагогларга яратилаётган шароитлар ке-лажак авлод тарбияси учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Биз ушбу жараёнларнинг фаол ва ташаббус-кор иштирокчиси бўлиб, билимли, эколо-гик маданиятли, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш йўлида бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз за-рур. Зеро, таълимдаги ҳар бир ижобий ўзгариш – жамиятимиз келажагига қўйил-ган муҳим қадамдир.

Мўътабар БОЗОРОВА,
Китоб туманидаги
ихтисослаштирилган
мактаб-интернатининг кимё фани
ўқитувчиси



ИЛМ АЗИЗ ҚИЛГАН ЗОТ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ана шу даврлардан бирида кўконлик ҳофиз янги бас-таланган ашвлани ижро қилади. Унинг сўзларига диққат қилган Усмон ота муаллифига кизиқиб қолади: “Азизий, ким у?” Чархий домла кулибгина: “Пўлатжон домланинг ўғли” дейди ва 18 ёшли Қўқон нефть техникуми талабаси Азизхонни чақиртиради. Теран фикрли йигит юрт раҳбари билан муносиб суҳбат кургач, Усмон Юсупов уни Тошкентга олиб кетади. У 1944 йилда Урта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг шарқ тиллари факультетига ўқишга киради.

Азизхон Қаюмов университетда Е.Бертельс, А.Арендс каби машхур шарқшунослардан таълим олади. Академик Воҳид Зоҳидов йигитчадаги зехн ва ҳаракатни кўриб, талаба эканига қарамай, Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга тақлиф қилади. Шу ерда ўз фаолиятини илмий ходим, илмий котиб сифатида бошлайди. Унинг Воҳид Зоҳидов билан устоз-шогирдлиги бир умр давом этди. Кейинчалик “Академик Воҳид Йўлдошевчи Зоҳидов” рисоласини ёзди. Умуман, домланинг ажойиб хислатларидан бири – устозларга садоқати эди. У кишининг қаламига мансуб “Академик Ғафур Ғулом”, “Академик Ойбек” ва яна бир қатор таниқли сафдош олимлар (А.Ҳайитметов, Р.Аминова, А.Асқаров, Д.Азимова) ҳақидаги хотира-рисолалари ҳам жамоатчилик эътиборига тушган.

Кейинчалик Азиз Пўлатович Тил ва адабиёт институти директори, Маданият вазири, Кинематография давлат қўмитаси раиси, Маданият институти ректори бўлган йилларида ўзбек фани, маданияти ва маърифати ривожий йўлида ҳалол ва самарали ишларни амалга оширди. ЎзФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлэмалар институтидаги кўпийллик раҳбарлиги давомида эса адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида ўзига хос илмий мактаб ва муҳит ярата олди. Мамлакатимизнинг турли илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим даргоҳларида меҳнат қилиб, фан ва маориф ривожига ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган қўллаб олимлар чин маънода домланинг шогирдларидир. 1998 йилдан умрининг охири – 2018 йилга қадар эса устоз Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида етакчи илмий ходим сифатида ёшларга илмий жабҳада ўрнатқ бўлиб, ўнлаб китоблар чиқарди.

Домла қаерда ишламасин малакали миллий кадрларни етиштириш, хотин-қизларни кўпроқ илм-маърифатга жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор берарди. 1958–1961 йиллар давомида Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) да раҳбар эканлигида муҳим тадқиқотларга алоҳида урғу берди. Ўша даврда Порсоҳон Шамсиев, Ҳоди Зарипов, Солиҳ Муталлибов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Маҳбуба Қодирова, Суюма Ғаниева, Собир Мирвалиев каби олим ва олималар етишиб чиқди.

Азизхон Қаюмовнинг миллий кадрлар, миллий адабиёт манфаати йўлидаги ишлари совет мафқурасига ёқмаган ва бир неча бор қаттиқ дашномлар эшитган. Айниқса, унинг докторлик диссертацияси асосида 1961 йилда нашр этилган “Қўқон адабий муҳити” китоби Республика Компартияси йиғилишида муҳокама қилинган, танқидга учраган. Адабиётимиз тарихи ва унинг ранг-баранглигини тушунмаганлар “Нега энди Қўқон адабий муҳити?” Қаюмов маҳаллийчилик қилмоқда. Бизда ягона совет адабиёти бор”, дея аюҳаннос солган. Натижада, домлага ҳайфсан берилиб, бошқа ишга ўтказилган.

ҚАДРДОН КИТОБЛАР

“ШУ САФДА МЕН ҲАМ БОРМАН!”

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида миллий армиямизни тақомиллаштириш билан бирга, фарзандларимизда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий: “Иёлу ватан узра то жони бор, Киши ҳарб этар токи имкони бор”, дея ўғит беради. Ватан ҳимояси нелигини чин ватанпарвар инсонлар – жадид боболаримиздан сўрамоқ даркор.

“Қувватимиз бўлган аскарликка жон дил ила боқуб, қалбимизни унга туҳфа этайлик. ...Бу миллат бунинг ила яшайдир. Бунинг ила буюк бўладир. Бунинг ила шон берадир, бунинг ила ҳаёт бўладир... Уйимизда кийим-кечак, уй асбобларимизни орттирмоққа ҳаракат этмай, қувватимизни орттирмоққа ҳаракат этайлик”.

Ғулом ЗАҒАРИЙ, 1918 йил

“Бошқалар тарафидан ҳуқуқингенинг топталмови, четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик, чет мамлакатларга товушини эшитдириб, эшитмоққа мажбур этувега шубҳа йўқим, қўлинедаги қуролнига, аскарий кучиниға қараб бўлур. Қўрамизким, Оврупо, Амриқо миллатлари бунчалиқ шан-шавкатни фақат ҳарбий куч ила қозонмишлардур... Мамлакат идораси аскарсиз мумкин эмас... Шунинг учун агарда биз мустақил, қулликдан қутилиб яшовни хоҳлар эканмиз, яқин истиқболимиздаги бахтли кунлар учун аскар бўлувимиз, ватан муҳофазасига ҳозирланувимиз лозимдур”.

Абдулла ҚОДИРИЙ

Жадидлар нафақат миллий армияни барпо этишни орзу қилди, балки, аввало ўзлари Ватан ҳимоячиси сифатида

Олим яратган асарларда илк туркий ёзма ёдгорликлардан тортиб, то XIX асрнинг охиригача бўлган ўзбек адабиётига дахлдор материаллар тадқиқ этилган. Масалан, устоз “Ўзбек адабиёти тарихи” беш жилдлигининг ҳаммуаллифи, “Махмур”, “Ҳозик”, “Ғозий”, “Қўқон адабий муҳити (XVIII-XIX аслар)”, “Қадимият обидалари”, “Беруний ва адабий ижод”, “Беруний ва Ибн Сино” китобларининг муаллифидир. Унинг ижодида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур мавзуси алоҳида ўрин тутди. “Садди Искандарий”, “Ҳайрат ул-аброр” талқини, “Фарҳод ва Ширин” сирлари”, “Ишқ водийси чечаклари”, “Алишер Навоий”, “Нодир саҳифалар”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур”, “Бобур давридаги Андижон адабий муҳити” рисоалари сўзимиз исботидир. Яна, олимнинг Аҳмад Фарғоний, Наҳмиддин Кубро, Амир Темури, Абдурахмон Жомий, Оғажий, Фуркат ҳаёти ва ижодида оид рисоалари ҳам кенг эътибор қозонган.

Мумтоз адабий асарларимизни нашр эттириб, тарғиб қилишда ҳам Азизхон Қаюмов олдинги сафларда бўлган. Совет даврида Бобур шахси ва ижодида муносабат совуқ бўлган бир пайтда унинг шеърларининг Ўзбекистондаги алоҳида илк икки нашри 1957-1958 йилларда домла томонидан амалга оширилган. Устоз илк бора Махмур, Увайсий, Нодира шеърлари, Пўлат Қайюмийнинг асарларини нашрга тайёрлади, адабий меросимизнинг кўпгина нашрларига муҳаррирлик қилди. Ибн Сино “Тиб қонунлари”ни арабчадан таржима қилишда қатнашган бўлса, унинг илмий таҳрири остида чоп этилган Қўлэмалар институтининг икки жилдлик рус тилидаги каталоги 1998 йили халқаро Имом Бухорий мукофотида сазовор бўлган.

Москпада нашр этилган “Библиотека мировой литературы” ва “Библиотека поэта. Большая серия” китобларига ҳам айнан Азизхон Қаюмов Навоий асарларини рус тилида тайёрлаб берган. Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан 2000 йили Францияда чоп этилган “Дунё адабиёти” ва “Марказий Осиё маданияти” китобларининг адабиёт қисми устоз томонидан ёзилган. Умуман айтганда, академик Қаюмовнинг нашр этилган жами китоб, рисола ва мақолаларининг адади 500 дан ортиқни ташкил этади.

Домламининг яна бир ибратли жиҳати бор эди. У илмий жабҳада ҳам, ҳаётда ҳам деярли ҳеч тортишмас, танқидларга бардошли эди. Илмий мажлис ёки анжуманларда у ёқламаган фикр-мулоҳазалар қалқиб чиқса-да, ҳаяжонланмас, ўз илмий ёндашувини оҳиста баён этиб кўярди, холос. Матбуот орқали ҳам ҳеч қачон илмий мавзулардаги баҳсларга қўшилмасди. Бизга айтардики: “Агар бирор олимнинг илмий масала юзасидан чиқиши ёки фикри ёқмаса, танқид қилиб ўтирманг, ёзинг ва китоб ҳолида чиқаринг”.

Шунингдек, Азизхон домла истеъдодли шоир эди. Унинг “Азизий” таҳаллуси билан яратган қўллаб шеърлари, жумладан, Алишер Навоий ғазалларига ёзган ўнлаб мухаммаслари эътирофга сазовор бўлган.

Домланинг миллий адабиётшунослигимиз тадқиқига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган узок йиллик изланишлари унинг 10 жилд (12 китоб)дан иборат асарларида ўз аксини топган, дейиш мумкин (Тошкент: Mumtoz soʻz, 2008–2013). Таъкидлаш керакики, дунё адабиётшунослари орасида ҳам бундай кўп жилдли асарлари босилган олим кам топилади.

Азизхон Қаюмов том маънода ёш олимларни қўллаб-

қувватловчи устоз эди. Қўлидан келса моддий ёки бошқа жиҳатдан, энг камида яхши сўзи ва эътирофи билан кўнгилни кўтарар эди. Гарчанд ўзи улкан олим, мумтоз адабиётнинг катта билимдони бўлса-да, бу соҳада амалга ошган бирор кичик ютуқни ёш тадқиқотчидан эшитса, олқишлаб: “Қаранг-а, билмас эканмиз. Сизга раҳмат”, дер эди.

Диққатга сазовор яна бир хусусияти – устоз ёши улғайиб қолганида ҳам илмий йигин ва анжуманларда, айниқса, ёш олимлар конференцияларида имкони борича охиригача ўтирар, ҳар бир чиқишни диққат билан эшитарди. Ёдимда бор, бир ёшлар анжуманида устоз бироз толиқдими, тадбирни танаффус билан давом эттиришни тақлиф қилди. Лекин узокдан келганлар кўпроқ эканми, шу куниек анжуманни тезроқ тугатиш учун танаффуссиз ишлаш маъқул топилди. Шунда домла “мен академикман, ёшим улғу” демади, индамай рози бўлди ва бир фурсатдан сўнг уэр айтиб қикди. Домлани кузатарканман, юзида хафалик сезмадим.

Домла Фанлар академиясидан бошқа тизимда ишлаганда ҳам илм-маърифатли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берар эди. Масалан, Кинематография давлат қўмитасининг раиси бўлиб ишлаб юрган кезлари, у вақтларда ёш ва истеъдодли шоир Рауф Парфининг ишсиз қолгани ҳақида эшитиб қолади. Шоирни хузурига чақиртириб, бироз суҳбатлашгач, уни ишга олади. Қизиги шундаки, шоирга ҳеч қандай вазифа юклатилмаиди. Фақат, ҳафта охирида раҳбар – Азизхон Қаюмов хонасига кириб ҳисобот топишириши керак эди. Бу жараён эса Рауф Парфининг янги ёзган шеърларини домлага ўқиб бериш бўлган. Шу зайлда шоир бир неча муддат ишлайди. Кейинчалик, шоир “Ўзим уялиб, бўшаб кетдим”, дея эслган ва “Битиктош. Азизхон Қаюмовга” дея шеър ҳам битган. Албатта, Азизхон домла кейинчалик ўзи ҳақида шоирнинг шеър ёзиши, илиқ хотирлаши учун эмас, ёш бир ноёб истеъдодни сарсон бўлмаслиги, хотиржам ижод қила олиши учун ўз имконияти доирасида ёрдам қилишни кўзда тутган.

Шу билан бирга, Азизхон Қаюмов мамлакат ижтимоий ҳаётида ҳам фаоллик кўрсатган. Унинг Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати (1995–2000) сифатидаги хизматлари, “Миллий тикланиш” партиясининг илк раҳбари ва партияни тузиш билан боғлиқ жонбозликлари ҳам зиёлиларга яхши маълум.

Устознинг хонадонига бориб юрган кўпгина шогирдлари билади, ҳовлига кираверишда ўнг бурчақда чала битган гиштин иморат бўларди. Азизхон Қаюмов бу иморатни Тил ва адабиёт институтига директор бўлиб келганида бошлагани ва мана қариб қолди ҳамки ҳануз битирилмаганини қилиб сўзларди. Ўзи шу коттеж ҳовлининг асл эски хоналарида яшаб ўтди. Жуда катта лавозимларда, қўли узун бўлган даврлар кечган бўлса-да домла ҳалол меҳнат билан кун кечирарди. Иморатини ҳам ойлик маоши ҳисобига аста-секин қураарди. Аммо ниҳоясига етказма олмади. Сабаби нафақага чиқди...

Устоз Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлэмалар институтига йигирма йил давомида директорлик қилди. У билан ишлаган барча биладики, домла ғоят адолатли ва ҳалол раҳбар бўлган. Ҳатто, бир йили институт раҳбари учун ажратилган хизмат машинаси ва унга бириктирилган шофёрдан ҳам воз кечиб, унинг маблағини илмий ҳодимлар маошини кўтаришга сафарбар қилган. Буни бирор марта бирор ҳодимга миннат ҳам қилмаган...

Бир ҳамкасбимиз ўғлини уйлантириши сабабли тўй базмида домла билан меҳмон бўлдик. Базмда устоз



АЗИЗИЙ

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Телбау шайдога дунё тор бўлғайму эди?
Ишқ ўтида куймаса бемор бўлғайму эди?
Ҳажр жабрин чекмаган дил хор бўлғайму эди?
Бўлмасам ошиқ, фиғоним зор бўлғайму эди?
Куймасам пинҳон, ичим афғор бўлғайму эди?

Кундузи орзуи васлингдин бўлакни билмасам,
Тунлари ёдингни улфатлигиндин айрилмасам,
Мисли парвона чароғи ҳуснингга интилмасам,
Зулфинга вобастау кўзинга вола бўлмасам,
Жон паришону кўнгул бемор бўлғайму эди?

Ишқ ўтини қилмаганда бағрида пайдо кўнгул,
Сарви қаддинг ишқин ўзга этмаганда жо кўнгул,
Хомау мужгонинга бўлганда бепарво кўнгул,
Бўлмаса кофир кўзинг ошuftаси шайдо кўнгул,
Жон паришону кўнгул бемор бўлғайму эди?

Ранжга тўлган эканку ишқ номли бу чаман,
Куйдирар эркан қизил чўғдан батар дурри Адан
Ким, Азизий бўлганида ошиқи ширин суҳан,
Эй Навоий, қилсанг эрди офият кунжин ватан,
Мунча мунглиғ жонинга озор бўлғайму эди?

ёшларга бахт тилаб, қисқагина, чиройли нутқ сўзлади. Тўй қизинг сари ўйин-қулғи авж олиб, айрим қимсалар уйнаётганлар устидан пул соча бошлади. Шунда мен биринчи марта Азизхон Қаюмовнинг ғазабланганини кўрдим: “Бу нимаки, қандай разолат?” дея ачиқ сўзлади. Сўнгра базмда кўп ўтирмай, секин чиқиб кетди.

Шундай, Азизхон устоз одамийлик ва маданиятга мос келмаган ҳар қандай иллатга нафрат билан қарарди. Ўзи ҳалол яшагани учун бошқаларни ҳам шундай яшайди, деган юксак фикрдаги инсон эди. Шунинг учунмикан, узок ва хайрли умр кўрди. У 2018 йил 16 февраль кун 92 ёшида вафот этди. Таъзия сабаб, домланинг уйига илк бор келган айримлар: “Академикнинг уйи шуми? Шунчалки оддий яшармиди?” дея ҳайрон ҳам бўлган.

Мухтарам олимнинг сермахсул илмий-маърифий ва жамоатчилик фаолияти Беруний номидаги Давлат мукофоти, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони, “Эл-юрт ҳурмати” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган. Азизхон Қаюмовнинг ҳалол ва ибратли ҳаёт йўли доимо барчамизга ўрнатқ бўлиб қолади.

Отабек ЖЎРАБОВЕВ,
филология фанлари номзоди

“Фалончиев, нимага ишламаяпсан?” дея бирдан тутқиб кетди. Мен: “Чекаётган эдим, ўртоқ командир”, деб қўлимдаги тутаб турган папиросни кўрсатдим. Командир: “Ҳа, чекаётганимдин”, деди-да, дарҳол шаштидан тушди. Шу-шу, чекишга ўрганиб кетдим”. Ўша вақтда аскарларга бепул сигарета тарқатилгани ҳам уларда салбий иллатларнинг шаклланиши рағбатлантирилганидан далолат бермайдими, аслида?

Бугун у даврлардаги армия билан мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бугун мамлакатимиз мустақиллиги, юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлмиш армиямиз, жасур ва шерюрак аскарларимиз билан ҳар биримиз чинакамига фахрланамиз. Шундай фидойи фарзандлари бор экан, халқимиз ҳамиша пойдор эканига қатъий ишонамиз.

Шоир ўзини шу янги миллий армиянинг шонли сафида кўради, “Шу сафда мен ҳам борман”, деб ғурурланади, бошқаларни ҳам шу сафга чорлайди.

Аналадимки: дунёда на жон, на тан абадий,

Фақат Ватан абадий, фақат Ватан абадий.


Менинг ҳам ҳар бир шеърим – ҳаёту мамотимдир,

Олий Бош Қўмондонга қалан қасамёдимдир.

Шеърни ўқир экансиз, қалбингизда ёруғ умид туғилади. Ахир, ҳали “келажакнинг аскари” – “Миллён-миллён бешикда – чақалоқлар лашкари” бор. Ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлган шеър тезда қўшиққа айланди, катта-катта давраларда янграб, қалбларимизни қайта забт этди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида “O‘zbekiston” наشريёти томонидан “Мард аскарга совға” рукин ва “Армия ва тарбия” номида 50 минг нусхада алоҳида китобча нашр этилгани хайрли иш бўлди. Тўпламга шоирнинг ушбу машхур шеъри билан бирга, унга ҳамоҳанг бўлган “Ватан посбонлариға”, “Жоним Ватан”, “Ўз болангни ўзинг асра”, “Ватан абадийдир”, “Ватан учун, миллат учун, халқ учун” каби шеърлари ҳам қиритилгани эътиборлидир. Айни кунда аскарларимизнинг нафақат ён чўнтаклари, балки юракларидан ўрин олган ушбу китоб барча ҳарбий таълим муассасалари ва мактабларга ҳам тарқалиб, фарзандларимизга чин ватанпарварлик сабоғини улашмоқда.

Икром ИСКАНДАР



Халку Ватан ташвиши – барчанинг тенг ишидир,

Бугун ҳар безовта қалб – хавфсизлик кенгашидир.

Ёши катта юртдошларимиз собик совет армиясидаги уставга зид муносабатлари бошбошдоқликларни яхши биларди. Келинг, шу ўринда бир танишимнинг хотирасини кичик мисол тарикасида айтиб берай. “Армияда ўрмонда даррахт кесардик, – дея эслаганди у. – Ҳар-ҳар замонда командир “перекур”га рухсат берар, кашанда аскарлар папиросини обдон шошилмасдан чекиб дам оларди. Қизиги, чекмайдиган йигитларга бундай пайтда дам олиш ҳам мумкин эмас, улар ишни давом эттириши зарур эди. Илгари чекмасдим. Жилла дам олиш илинжида бир кун мен ҳам кашандалар сафида папирос тутата бошладим. Командиримиз чекмаслигини биларди, шу боис ишламаётганимни кўриб:

...ўттиз етти миллён қалб,

ўйгон, қалқ!

Токи хавфу хатар бор, шудир темир тарбия:
Ҳар биримиз – посбонимиз, ҳар биримиз – армия.



КУЗАТУВ

МАРДЛАР КУНИ



ЭР ЖАНГЧИ

Юрак ва Ер курраси бир-бирига ўхшайди. Иккисиди содир бўлаётган ҳодисаларни инсоният ҳануз мушоҳада қилади. Очундаги бу сирли жараён энди бошланганими? Ё аллақачон охирлаб қолдимикан? Буни билишнинг асло иложи йўқ. Ўн-ун беш минг йил... ахир, у коинот вақти ва тириклик қошида ялт этган оний шувъланинг умридан ҳам қисқароқ.

Бу ҳодисалар худди шундай кўринишда инсон юрагида ҳам содир бўлади. Инсон шу икки дунё оралиғида ҳосил бўлган йўлақдан юришга мажбур. Унинг аниқ билиб, ҳис қилгани йўлакнинг икки тарафида ҳам ҳар қадамда уни хатарлар пойлаб турганидир. Шундай дунёнинг ичида нега у хотиржам? Нега уни худди енгилмас жангчилар ҳамиша ҳушёр кўриқлаб тургандек, бу хатарларга деярли парво қилмасдан яшашда давом этаверади?

Ер курраси ва юракда содир бўлаётган барча ҳодисаларда Жангчи иштироки бор. Ўсиз борлиқда бирорта ҳодиса содир бўлмайди. Ер куррасини кўриқлайдиган, юракка хавф солувчи барча хавф-хатарларни даф қилувчи удир. Унинг қиёфасини аниқ тасвирлаб бўлмайди. У аждодларимиз нигоҳида Алп Эр Тўнга, Широқ, Онақут, Тумарис, Спитамен, Қўркут Ота, Алломиш, Гўрўгли, Кунтуғмиш, Маҳмуд Ғазнавий, Султон Санжар, Наҳмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Пахлавон Маҳмуд, Саййид Амир Кулол, Соҳибқирон Амир Темур, Убайдуллаҳон, Абдуллаҳон, Амир Шоҳмуродбий сингари тарихий шахслар қиёфаларида қайта-қайта гавдаланаверади.

Бу инсонлар ҳаёт-мамонт курашида эзгулик яловини билан кўтайриб, ёвузликка қарши мурасасиз кураш олиб борган. Уларнинг бу курашдаги ҳар бир жасорати, мардлиги, ғалаба-си миллат қалбини фахр ва сурурга тўлдирган. Эр Жангчилар олис қадимдан ҳозиргача қавмига байрам ва шодиёналарни туҳфа этиб келган. Дунёдан бохабар киши Эр Жангчини, унинг янги ғалабаларини кутиб, соғиниб, орзу қилиб яшайди. У бор экан, умрнинг ҳар куни байрам, шонли тантанга айланади.

ХАРБИЙ СИР

Биз яшаётган юртнинг тарихий номи битта эмас. Жуда эски замонлардан ҳозиргача у Турлар юрти, Турон, Саки-йа, Суғдийона, Хоразм, Туркистон, Мовароуннаҳр, Трансаксония сингари шарафли номлар билан атаб келинади. Майли, ҳозирча унинг шу исмлари билангина чеклана қолайлик. Ўзбекистон унинг энг янги исмларидан биридир. Муслмонлар Тангри таолонинг тўқсон тўққиз номини эъзозлаб тақрорлаш ва туганмас иштиёқ билан англашга уринганидек, юрт фарзандлари ўзлари яшаётган заминнинг табаруқ номларини албатта билиши ва қалбида асраши ҳаётий эҳтиёж, заруратдир. Айниқса, бугун.

Уларнинг орасидан исталган учтасини... масалан, Турлар юрти, Саки-йа, Мовароуннаҳр номларини танлаб оламиз. Бирининг тарихи милoddан

олдинги 4-5 минг йилларнинг нарёғига сингиб кетади. Кўп ҳолларда бу тарихнинг адоғини тадқиқотчилар ҳам йўқотиб қўяди. Иккинчиси 3 минг йиллар аввал ярқираб кўзга ташланган. Учинчиси уларнинг сафига милодий VII асрдан қўшилади. Уларнинг ҳеч бири аниқ бир киши номидан олинган эмас. Кейинчалик улардан баъзан киши номлари ва бошқа атамалар ҳам ясалган.

Турли номлар ва сифатлари билан дунёда шухрат қозонган, бутун борлиғи ҳамда муқаддас сирларини буюк Ўқуз ва Яксарт оралиғига бекитган аждодларимиз оқсоқол Тангритог ва афсонавий Кўҳи Қоф оралиғидаги кенгликларда озодлик ва хурлик ҳавосидан эркин нафас олган. Бу замин ўз баҳодирларига туганмас қувват бағишлаган. Боболаримиз, момоларимиз шу тупроқда кўп миллатлар асрлар давомида фақат орзулаб юрган маданиятни амалда барпо қилган. Бу ижтимоий жараёнларнинг бирортасини ўша Эр Жангчи ва ҳарбийлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Қизик, дунёда бирор юрт ё қавмининг номи бизниқичалик кўп эмас экан. Бу номларнинг бирортасини унутган кунимиз, тарихий меросимизнинг улкан бир бўлагидан айрилдимиз. Юртни, унинг барча номларини қанчалик тийрак англасак, ўзимизни таний бошлаймиз. Ҳар қандай қуёқ зулмат орасидан ҳам бир-биримизни шу номлар билан қақирибгина топишимиз мумкин. Бу номлар — бу юртнинг душманларни ҳануз чўчитиётган ҳарбийларга боғлиқ бўлиб чиқаверади. Бундай эмаслари кам.

ҚУРУЛТОЙ — ХАРБИЙ ТҶҲ

Тарихимизда байрамлар кўп бўлган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Абу Райҳон Беруний, Абдуллоҳ Хоразмий, Наҳмиддин Умар Насафий каби ўрта асрларда яшган яна кўплаб муаллифлар асарларидан бу мавзуга оид етарлича маълумотлар топса бўлади.

Байрамлар орасида ёшу қари тўлиқ ва фаол иштирок этадигани — Йилбоши (Наврўз), Рамазон ва Қўрбон ҳайитлари эди. Тадқиқ этиб қўрилса, қадимги байрамларнинг қарийб барчаси қайсидир жиҳатлари билан албатта ҳарбийларга боғлиқ бўлиб чиқаверади. Бундай эмаслари кам.

Жангчилар ва ҳарбийлар учун қадим Туронда одатда асрлар давомида киш фасли ўзига хос байрам бўлган. Худди шу фаслда урушлар нисбатан камайган. Туркий ҳукмдорлар ўзаро мақсадларини ва қўшни давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларини белгилаб, аниқ режалаштириб олиш мақсадида кўпинча қишда қурултойга тўпланишган.

Бу тадбир ўта жиддий ва расмий ҳисобланган. Турон тарихида бундай сиёсий ва ҳарбий тадбир Турк ҳоқонлиги ва Аштархонийларгача бўлган давр оралиғида аниқ кўзга ташланиб туради. Мамлакатимиз ҳудудларида унинг XVIII аср бошларигача ўтказиб келингани ҳақида тарихий қўлёзма манбаларда қизикарли маълумотлар сақланиб қолган. Убайдуллаҳон ибн Субҳонқулихон давридан кейин бу анъана барҳам топади. Орадан сал-

кам ярим аср ўтиб, манғитлар сулоласи асосчиси Муҳаммад Раҳимхон (1753–1759) бу анъанани қайта тиклашга ҳаракат қилади.

Қурултой том маънода ҳарбий тўй эди. Унинг тепасида бош ҳукмдор турган. Ундан қуйида ҳукмрон сулоланинг вилоятларни бошқараётган ёши улуг ҳукмдорлари, валиаҳд султонлар, ўнг ва сўл қанотга ажратилган йирик уруғ ва қабилаларнинг бошлиқлари, ишончли вакиллари жой олган.

Қурултойга йиғилган хонлар, султонлар, амирлар, бийлар бу тадбирга келишдан олдин ўзларининг ҳамма имкониятларини синчиклаб кўздан кечириган. Режа биринчи галда қўшининг қудрати ва жанговарлик қобилияти асосида шаклланган.

Қурултой бир неча кун давом этган. Унинг иштирокчилари зиёфат билан сийланган. Давлат учун муносиб хизмат кўрсатган шахслар пул, ер, унвон ва бошқа турли мукофотлар билан тақдирланган.

Қурултойнинг иккинчи лавҳасини жангчилар мусобақаси ташкил этган. Унда турли жойлардан етакчиларига кўриқчи бўлиб келган ҳарбийлар орасидан сара жангчилар ажратиб олинган. Улар майдонга тушиб қилиқбозлик, найзабозлик, мерганлик, яккама-якка жангларда ўзларининг маҳорати ва кучини намойиш қилган. Ғолиблар албатта мукофотланган.

Қурултой тарихига теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, унинг бугунгача етиб келган изларини ҳам топишимиз иложи бор. Унинг шамоли қишлоқларда, далаларда, тоғларда эсиб юрарди.

14 ЯНВАРЬ

Ҳар гал шу санага юзма-юз келиш, унга пешвоз чиқишдан олдин бир зум тараддудда тўхтаيمان. Шу бир зумлик тараддуд, истиқола бизга оддий инсон Юраги ва Ер куррасини кўрсатди. Улар жуда ўхшаш.

Иккиси ҳам омонатлиги, Эр Жангчининг ҳимоясига муҳтожлиги уларга қараган ҳар қандай кимсага аниқ кўриниб туради. Аммо иккисининг ҳам қоқ кўксига бир юрт жойлашган. У — Ўзбекистондир.

Бу кун фақат Республика қуруллой кучлари сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар байрами эмас. Шу мамлакатда яшаётган, унинг келажаги учун қайғураётган, пинҳона ё ошқора уни севадиган, алқайдиган ҳар бир фуқаро бу кунни байрам қилишга муносибдир.

Бу кун миллат эрлари, юрт ватанпарварларининг узоқ асрлар мобайнида тинчлик йўлида хизмат қилиб келган тарихий қурултойга давомидир. Бу кунни қадимда жангчилар, баҳодирлар, ўлим билан юзлашганда ҳам сесканмайдиган йигитлар орқиқиб кутган, шарафли мусобақаларда ўзларини синаб кўрган.

Юрт ори, номуси, фаҳри учун курашга тушувчилар бўлса, ушбу қадимий қурултой — элнинг барча алпларини тўплайдиган кекса Турон бобо йиғинига марҳабо... У ер юзидаги тириклик ва эрк кўриқчиларининг энг қадимий тўйи — мардлар сараланадиган майдондир.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини катта илмий ходими

Бошланиши 1-саҳифада.

Совет даврида халқимизни ёппа саводсизга чиқаришган. Лекин ўша пайтларда чекка қишлоқдаги энг содда аёл ҳам халқ дostonларини (эртақлари демаёппан), оят ва ҳадисларни, мақол ва маталларни, табиат сирларини яхши билган. Уларнинг ҳикмати байтлар билан тўйинган насихатлари авлодларни катта ҳаётга тайёрлаган. Ҳамид Олимжоннинг сатрлари эсингиздами:

**Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртақ эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.**

“Ўткан кунлар” романидаги Қумушнинг мактубини олайлик: “Юсуф савдосида беқарор Зулайхо исмидан, Мажнун ишқиди йиғлаган Лайли отидан — сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом. Мендан — ҳадду ҳисобсиз гуноҳ, сиздан — кечириш”. Гапнинг бошланишини қаранг: қандай нафис, қанчалар юксак. Бу фақат қизнинг соф ишққа мубаталлигидан эмас, илмий, зиёли инсон эканидан далолат беради. Бежиз тарихдан келмадим: олималик халқимиз аёлларининг қонида бор.

Бугун эса илм оламан, ўз устимда ишлайман, илмий даражаларга эришаман, кашфиёт ва ихтироларим билан Ватанимга, халқимга, илмга фойда келтираман, деган хотин-қизларга давлатимиз томонидан кенг имкониятлар эшиги очилмоқда. Ёш олималар, аввало, аёл бўлгани учун шарқона эҳтиром ва илмни танлагани учун эътибор кўрмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

олима аёлларимиз яратаётгани ҳам, жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Уларнинг орасида халқаро даражада эътироф этилаётган илм-фан вакилларининг борлиги барчамизга чексиз фахрийфтихор бағишлайди, ёшларимизни янги-янги ютуқларга ундайди. Аёллари ўқимишли ва касб-хунарни бўлган юртда тинчлик ва тарақиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ, албатта, бахтли бўлади”.

— Шубҳасиз, фан доктори, профессор, 220 дан ортиқ илмий ишлар ва кўплаб ўқув қўланмалар муаллифи сифатида ана шу сафда Сизнинг ҳам муносиб ўрнингиз бор.

— Бундан доим фахр ва ғурур туяман. Асосий гап оилада қолади. Истаимизми-йўқми, шарқ аёлининг тақдири бевосита оилавий муҳитга боғлиқ, хоссатан, турмуш ўртоғига. Ёшлик чоғи чарақлаб чиқиб, турмушга чиққач, сувга чўккан тошдай ғойиб бўлган бўлажақ олималар, хонандалар, рассомлар, шоиралар озми дейсиз. Шу билан бирга, айнан оила қуриб, умр йўлдошининг қўллаб-қувватлови билан юксак натижаларга эришган аёлларимиз қанча.

Камина ана шу иккинчи тоифа вакиласи. Оиламизда илмий муҳит кучли бўлган. Хўжайини енгил саноат йўналишида йирик олим эди. У киши баъзи эрларга ўхшаб: “Мен фан билан машғулман, майда-чуйда ишлар билан безовта қилма, бола-бақранинг йиғиси билан хаёлимни чалғитма!” деб худбинлик қилмасди. Аксинча, турмушимизнинг илк йиллариданоқ ўз ишларидан кўра менга илм билан шуғулланишим учун кўпроқ шaroит яратишга ҳаракат қилган. Баъзан хизмат сафарига кетишимга тўғри келарди. Шунда ҳам тўғри тушуниб, “Боравер, илмий ишингдан қолма, уй ишларини эплаб тураминиз”, дерди самимий. Гапларида киноя ё огриниш сезмадим бир умр.

Оиладаги ана шу рағбат мен учун энг катта пойдевор бўлган. Илмий фаолиятим давомида дастлаб Қизилқумда номзодлик ишини бажардим. Докторлик диссертациямни Фарғона водийсининг Чортоқ, Чуст, Поп адирларида ўсимликларнинг қўроқчиликка мослашуви мавзусида ҳимоя қилдим. Бу ишлар менга ниҳоятда мароқли бўлган, шогирдларим билан бирга катта қизиқмишда изланишлар олиб борганмиз. Турли йўналишларда 12 нафар фан номзоди тайёрлаганмиз. Улар ҳозир республиканинг турли ҳудудларида илмий фаолиятини давом эттирмоқда. Илмга чин дилдан қизиққан инсон барча қийинчиликларни енга олади ва изланишдан завқ топади. Илмий ишларимнинг натижалари хорижда ҳам эътироф этилгани мен учун катта бахт.

Самарқанд университетини тамомлагач, Фанлар академиясининг Ботаника институтига узоқ йиллар ишладим. Адирлар ва чўлларда илмий кузатишлар олиб бориб, изланишларимни давом эттирдим. Кейинчалик Ўзбекистон Миллий университетининг Экология факультетига фаолият бошладим ва ҳануз шу ерда ишляпман.

— Қўроқчилик асримизнинг энг оғир муаммоларидан бирига айланган бир вазиятда, Сизнинг сунъий яйловлар барпо этиш мавзусида тадқиқот олиб борганингиз таҳсинга лойиқ. Докторлик диссертациянгиз ҳоҳиятини қисқача тушунтириб берсангиз.

— Юқорида айтганимдай, қўроқчиликка чи-



дамли ўсимликларни ўрганиш учун Чуст, Поп ва Чортоқ адирларида бир неча йил давомида илмий кузатишлар олиб борганмиз. Кузатишлар апрелдан сентябргача — ҳар ойда бир ҳафтадан давом этарди.

Бир неча йил мобайнида қўроқчиликка чидамли ўсимликларни чуқур ўргандик. Уларнинг айримлари сугорилмайдиган, лалмикор шарoитда ҳам яхши ҳосил беради. Масалан, изен (Кочиа прострата) шулардан бири. Биз ўсимликларни мослашув даражасига кўра гуруҳларга ажратганмиз: гиперксерофитлар — энг юқори даражада қўроқчиликка мослашган ўсимликлар (масалан, саксовул, чоғон); ксерофитлар — терексен, изен каби ўсимликлар; ге-



миксерофитлар — янтоқ сингари ўсимликлар ва бошқалар.

Бу ўсимликларнинг барчаси яйлов ҳосилдорлигини оширишда жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, изен — ҳозирги кунда энг самарали яйлов ўсимликларидан бири сифатида тан олинган. Масалан, Ғазалкент атрофида экилган изен 15 йил давомида ҳосил бериб турди. Чорва уни еяётган бўлса ҳам, ўсимлик яна кўкариб чиқаверади. Шунинг учун изен, терексен, чоғон каби турларни экиш ҳозир ҳам долзарб масалалардан биридир.

Иқлим ўзгариб, ҳаво исияпти, сув танқислиги кучаймоқда. Бу ўсимликлар эса сувга тежамкор, илдиэлари чуқур ёки барглари кичик бўлгани сабабли намни сақлаб тура оладиган турлардир.

Яқинда шогирдим Нурбек Қўчқоров билан тупроқдан эмас, балки ҳаводан намлик оладиган ўсимликни аниқладик. Бу иқлим ўзгариши шарoитида ниҳоятда муҳим кашфиёт. Бу ўсимлик ҳаводаги намни ўзлаштирган ҳолда ўсади. Биз буни далада ҳам, Ботаника боғида ҳам махсус асбоб-ускуналар ёрдамида ўргандик. Чорвачиликни ривожлантириш зарурати ошиб бораётган ҳозирги пайтда бундай ўсимликларни кўпайтириш ниҳоятда муҳим. Сув танқислиги мавжуд шарoитда ҳаводан нам оладиган ўсимликлар — келажақ учун жуда катта имконият.

— Экологик муаммолар ҳақида кўп гапирдик, аммо кўпинча экологик тарбия эътиборимиздан тушиб қоляпти.

— Тўғри айтдингиз. Экологик тарбияни мактабдан бошлаш керак. Болалар, аввало, атроф-муҳит тозаллигининг қадрига етиши, ҳаво, сув, тупроқнинг озодлиги инсон саломатлигига қандай таъсир қилишини билиши лозим. Чунки организм билан табиат ўртасидаги боғлиқлик ниҳоятда кучли. Бу нафақат ўсимликлар, балки ҳайвонлар, ҳашаротлар, микроорганизмлар учун ҳам бирдек муҳим.

Ҳар бир инсон — ёш бўладими, каттами — экологик маданиятга эга бўлиши шарт. Чунки ҳаёт-мамонт масалалари ҳам, табиатнинг келажаги ҳам айнан экологик онгга боғлиқ. Одамлар қўлидаги қоғоз парчаси, пластик идиш ва бошқа чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетар экан, мусавфо ҳаво ва тоза ҳудуд ҳақида уйлаш бефойда. Ким ўзининг уйида pista ё сақични гиламга ташлайди? Мана шу Ватан, мана шу минтақа ҳам ўз уйимиз. Шу ҳаводан биз нафас оламиз, болаларимиз нафас олади.

Экологик маданият, қонун жазо белгиланган-белгиламаганидан қатъи назар, кузатув камералари бор-йўқлигига қарамай, табиатга зарар етказувчи ишлардан ўзини онгли тийиб туришда кўринади. Ненимча, ҳар бир жойда экология нималигини, атроф-муҳитнинг инсон саломатлиги учун қанчалик муҳимлигини тушунтири оласак, мақсадга етган бўламиз.

Агар ҳаммамиз экологиянинг ривожланишига бирдек ҳисса қўшсак ва бу билимни кенгайтири оласак, яхши натижаларга эришиш мумкин. Одам доим яхши ният қилиб, унга интилиши керак.

Бир ҳақиқатни унутмайлик: четдан келиб ҳеч ким иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиб бермайди. Ҳаммаси ўз қўлимизда!

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.



ИЖОД ЙЎЛИ

ОҒАМИЗ ОМОН БЎЛСИНЛАР!

Мен Муродбой Низанов билан илк бор 2004 йилда танишганман... Йўқ, адашдим. Бу инсонни анча аввалроқ, ўспирин чоғларимда истеъдодли ижодкор сифатида таниганман. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда адабиётга ҳавасим баланд эди. Қўлимга тушган китоб ва газета-журналларни иштиёқ билан мутолаа қиламан. Колхозда бригадир бўлиб ишлайдиган раҳматли амаким ўзи обун бўлган “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Муштум” журналларини ўқиб бўлгач, менга берарди.

Ана шу кезларда Муродбой Низановнинг ажойиб-ғаройиб ҳажвиялари, хангома ва ҳикояларини ўқиб, содда ва самимий қорақалпоқ халқига меҳрим тушган...

Тақдир тақозоси билан 2004 йилнинг охирларида “Ўзбекино” миллий агентлигининг ҳужжатли фильмлар тахририятида муҳаррир сифатида иш бошладим. Муродбой Низанов бу пайтда “Қорақалпоқфильм” киностудиясига раҳбарлик қиларкан. Икки йилча бурун у кишининг асари асосида суратга олинган “Танка” фильми ўзбек томошабинлари орасида ҳам машҳур бўлиб кетган эди. Очиги, табиятан оғир-вазмин ва камсуқум бўлган бу инсоннинг таниқли юмориист адиб эканига ишониш қийин. Қолаверса, шунча йил ёнма-ён ишлаб, бирон марта ҳазил-хузул қилгани ёки ичказдўи латифалар айтиб қулдирганига гувоҳ бўлмаганман.

Муродбой оғани қорақалпоқ киносининг ҳақиқий жонкуяри сифатида танидим. Ҳар гал Тошкентга теша тегмаган мавзуларда ёзилган сценарийлар билан келар, уларни бадийий кенгашда маъқуллатиб, “Қорақалпоқфильм” киностудиясида ишга тушириб юбормагунча қайтиб кетмасди. Муродбой Низановнинг саёй-ҳаракатлари билан тез орада “Қорақалпоқфильм” энг намунали киностудиялардан бирига айланди. Бу ерда Тўрағани Қалимбетов, Баҳаватдин Баймурзаев, Дамир Абдимуратов, Асенбай Асқаров сингари истеъдодли режиссёр ва операторлар қизиқарли ҳужжатли фильмларни суратга олишар, Муродбой оға эса шунақа ишлардан ортиб, уларнинг аксариятига ўзи сценарий ёзарди.

Энди ўйлаб кўрсам, ўша кезларда “Қорақалпоқфильм” киностудиясида ижодий жараёнлар ўзининг чўйқисига кўтарилган экан. Бунинг асосий сабаби, Муродбой оға истеъдодли кино усталарини бир ерда жамлаб, уларга ҳамма шароитларни яратиб берганди. Ўзи ҳам улар билан баб-баравар ижод қилиб, янги-янги гоьлар устида тинимсиз изланди, “Қорақалпоқфильм”ни ҳар томонлама ривожлантирди. Иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан киностудиянинг икки қаватли каттагина биносини таъмирдан чиқариб, замонавий кинокамералар ва монтаж жихозларини сотиб олди. “Ўзбекино” миллий агентлигининг Қорақалпоғистонга борган вакиллари ушбу киностудиянинг фаолиятидан кўнгли тўлиб қайтадиган бўлди.

— Ҳужжатли кино олишни аллақачон ўрганиб олдик, — деди Муродбой оға бир гал Тошкентга келганида. — Энди маррани баландроқ олиб, қорақалпоқлар ҳақида бадийий кинолар суратга олиш ниятимиз бор. Бунга кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади. Яхши ниятда битта сценарий ҳам ёзиб келганман.

Чиндан ҳам, қорақалпоқ тилида катта кинолар яратиш вақти аллақачон этган эди. “Танка” минг зўр бўлгани билан “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган. Мен у киши берган сценарийни тезда ўқиб чикдим. “Ўғри” деб номланган комедия жанридаги асар жуда самимий ёзилганига амин бўлдим. Муродбой оғанинг фикри “Ўзбекино” миллий агентлиги-

нинг ўша вақтдаги раҳбари Аъзам Исоқовга ҳам маъқул бўлди.

— Бироқ бу йилги маблағлар аллақачон тақсимлаб бўлинган, — деди у киши. — Ҳозир ортиқча пул йўқ. Келгуси йилгача сабр қилинг.

— Фильмнинг сметасини тайёрлаб қўйганман, — деди Муродбой оға бўш келмай. — Кўп харажат кетмайди. Сиз икки-учта ҳужжатли фильмнинг маблағини берсангиз етади. Қолганини ўзим топаман.

Тез орада фильм ишга туширилиб, Баҳаватдин Баймурзаев унга постановкачи режиссёр этиб тайинланди. Муродбой Низанов уни охирига етказиш учун тинимсиз ҳаракат қилди. Қорақалпоғистондаги қатор ташкилотлар раҳбарлари, маҳаллий ҳокимларга илтимос қилиб, улардан ҳам озми-кўпми кўмак олди. Хуллас, биринчи қорақалпоқ бадийий киноси ҳашар йўли билан қисқа муддатларда тасвирга олинди. Шундан сўнг киностудияда бирин-кетин комедия ва мелодрама жанридаги “Қурорт”, “Қўшниллар”, “Ўқилмаган хат”, “Умрнинг уч фасли”, “Меҳригиёҳ”, “Қўрғон” сингари бадийий фильмлар дунё юзини кўрди.

“Қурорт” фильмини яратиш жараёнида Муродбой оға каттагина ижодий гуруҳни азда-базда пойтахтга бошлаб келиб, унинг маълум қисмини “Чинобод” санаторийсида тасвирга олди. Бу картина профессионал камерада суратга олингани боис, сифати ҳам анча баланд эди. Ушбу фильмнинг Нукусдаги премьерасида мен ҳам қатнашдим. Киностудиянинг маҳаллий зиёлилар, оддий томошабинлар билан тўлиб-тошган шинамгина залида тақдирот жуда кўтаринки, байрамона руҳда ўтди. Намойиш тугаб, ижодкорлар сахнага чиққанида, зални гулдурос олқишлар тугиб кетди.

Ушбу фильмларнинг аксариятида қорақалпоқ ижодкорлари билан бирга Эркин Комилов, Аида Юнусова сингари бир гуруҳ таниқли ўзбек санъаткорлари ҳам эсда қоларли ролларни ижро этишди. Муродбой Низанов сценарийлари асосида тасвирга олинган мазкур фильмларнинг аксариятида ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий қардошлиги, бир-бирига самимий меҳр-оқибати ҳамда қуда-андалик ришталарига алоҳида урғу берилган.

Камина ушбу фильмларнинг яратилишида озми-кўпми ҳиссам борлигидан доимо фахрланиб юраман. Зотан, уларни қорақалпоқ тилидан ўзбекчага ўғириш, бадийий кенгаш муҳокамасидадан ўтказиш ва билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида қайта ишлашдан тортиб, суратга олиш, овозлаштириш ва томошабинларга тақдим қилишгача бўлган жараёнларда таржимон ва муҳаррир сифатида иштирок этганман. Кези келганда, “Қўшниллар” комедияси сценарийсини Муродбой Низанов билан ҳаммуаллифликда ёзганимизни ҳам таъкидлашни жоиз деб биламан.

Очигини айтганда, ушбу сценарийлар “Ўзбеккино” миллий агентлиги бадийий кенгашида жиҳдий баҳс-мунозараларга ҳам сабаб бўлган. Кенгашнинг айрим аъзолари сценарийларнинг мазмунини ва савиясига эътироз билдириб, “Қорақалпоқфильм” киностудияси хали катта кино олишга тайёр эмас, деб оёқ тираб туриб олишарди. Шундай кезларда Аъзам Исоқов: “Қорақалпоқлар Голливуд даражасидаги фильмлар ярата олмаслиги мумкин, бироқ ўзларининг томошабини қабул қилса, шунинг ўзи кифоя. Уларга ишониб, имконият берсак, аста-секин ҳаммаси жойига тушиб кетади”, деб барча масъулиятни зиммасига оларди.

Чиндан ҳам, фильмдан-фильмга киностудия киноижодкорларининг маҳорати ўсиб борди. Муҳими, улар яратган кино асарларида қорақалпоқ халқининг миллий характери, ҳаёт тарзи жуда

ишонarli тасвирланар, актёрларнинг ижроси ҳам ҳаётга яқин ва самимий бўларди. Шу боис, мазкур фильмларни Нукусда ҳам, Тошкентда ҳам томошабинлар бирдай катта қизиқиш билан қарши оларди. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий кино саройида ўтказилган қорақалпоқ фильмлари тақдиротларида залда бот-бот кулги ва гулдурос олқишлар янграгани ҳалигача ёдимда.

Йиллар давомида Муродбой Низанов икковимиз оға-инидек яқин ва ҳамфикр бўлиб қолдик. Мен бу инсоннинг тинимсиз изланадиган, ниҳоятда меҳнаткаш ижодкор эканига ишонч ҳосил қилганман. Гарчи у киши киностудия раҳбари бўлса-да, бир зум ҳам ижод қилишдан тўхтамайди. Бир гал меҳнат таътилига чиқиб, Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида икки-уч ҳафтада бутун бошли романни ёзиб тугатганига гувоҳ бўлганман.

Эътиборли жиҳати, узоқ йиллар давомида асосан сатира ва юмор жанрида қалам тебратиб келган Муродбой Низанов бу даврда бирин-кетин салмоқли қисса ва романлар яратиб, ўзини эпик кўламдаги адиб сифатида ҳам намоён қилди. Яширмайман, ана шу асарларни ўзбек тилига таржима қилиш мен учун ҳам чинакам тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Эсимда, илк бор Муродбой Низановнинг “Ақчагул” қиссасини ўзбек тилига ўғирганман. Ўша кезларда бу асар адабий жамоатчилик орасида анча тилга тушди. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоиримиз Абдулла Орипов мазкур қиссани Чингиз Айтматов асарларига қиёслаб, 2007 йилда ўтказилган “Истиқлол: замонамиз қаҳрамонлари” адабий танловининг бош мукофоти билан тақдирлаган эди.

Танлов ҳайъати қиссани ўзбек тилига таржима қилиш ва китоб ҳолида чоп этишга қарор қилади. Бироқ таржимон масаласида муаммо туғилиб, бу иш анча орта сурилади.

Муродбой оға бир гал Тошкентга келганида шу ҳақда куйиниб гапириб қолди.

— Балки мен бир уриниб кўрарман, — дедим. — Агар таржиманинг заҳматидан қочмасанг, бу иш қўлингдан келишини биламан, — деди у киши ишонч билан.

Тез орада “Ақчагул”нинг таржимасига киришиб кетдим. Абдулла Ориповнинг таърифлаганича бор экан. Ақчагул исми оддий қорақалпоқ аёлининг фожиали тақдирига бағишланган асар жуда катта дард ва изтироб билан ёзилганига ишонч ҳосил қилдим. Гўзал ва ақли расо Ақчагул не-не орзу-умидлар билан ўзи ёқтирган Нуржон исмли оддий йилгитга турмушга чиқади. Дастлаб ҳаммаси яхши кечаётган эди. Бирин-кетин оилада фарзандлар дунёга келади. Бироқ ўш ш кезларда юзага келган иқтисодий қийинчиликлар туфайли Нуржон ишсиз қолиб, ношуд ва нотаовон ҳолга тушади. Шундан сўнг Ақчагул оч ва юпун оила юкини елкасига олади. У эри ва фарзандларини боқиб илннжида кун бўйи зил-замбилдай тоғораларни кўтариб, кўча-кўйда одамларга таом сотади. Кечқурун ҳориб-чарчаб қайтгач, ярим тунгача рўзгор ташвишлари билан андармон бўлади. Тонг бўзармасдан ёстикдан бош кўтариб, яна қозонга унайди.

Ҳартугул, унинг машаққатли меҳнатлари туфайли рўзгорга барака кириб, фарзандларининг қорни тўқ, эгни бут бўла бошлайди. Бироқ Ақчагул қанчалик тиришқок, удадуброн бўлгани билан барибир содда ва ишонувчан аёл эди. Ҳаммани ўзи каби оқўнғил, самимий одамлар деб ўйлайдиган шўрлик аёл фосиқ ва бадкирдор кимсаларнинг зимдан тўқиган тузоғига тушганини сезмай қолади. Оқибатда унинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетади. Аёллик шаъни, ор-номуси топталган ситамзада Ақчагулнинг адолатсизлик

ва қабиҳликларга қарши исёни фожиа билан якун топади...

Маҳоратли адиб ана шундай оғир воқеалар қаламга олинган асарни ҳам келажакка ишонч ва умид ҳисси билан якунлайди. Марҳуманинг хорижда ўқиб қайтган тўнғич қизи Арзойим қутилмаган айрилиқдан қадди дол бўлган отаси ва кўнгли чўккан укаларига бош бўлиб, янги ҳаёт бошлайди. Зотан, Ақчагулни доимо олдинга ундаган ғайрат-шижоат ва ақл-заковат унга мерос бўлиб ўтган.

Муродбой Низанов ушбу ихчамгина асарида мушфиқ аёл зотининг нозик елкасига зилдай оғир вазифаларни юклаб, уларни хўрлик ва таҳқирларга гирифтор қилишининг аянчли оқибатларини яққол кўрсатиб берди.

Тез орада “Ақчагул” қиссаси таниқли адиб Носир Фозилов сўзбошии билан эълон қилинди. Қисса Ёзувчилар уюшмасининг наср кенгашида йилнинг энг яхши асарларидан бири сифатида эътироф этилди.

Шундан сўнг Муродбой Низанов асарларини таржима қилишдан ортмай қолдим. Оғамиз ҳам атай қилгандек, хали қарасанг янги роман кўтариб келади, кейинги гал сиёҳи қуримаган қиссани столимга қўйиб кетади. “Охират уйқуси”, “Душман”, “Муҳаббат қўшиғи”, “Ошиқ бўлмаган ким бор”, “Дарбадар” романлари, “Икки қотил” қиссаси, “Қорақалпоқлар” деб номланган салмоқли тарихий-маърифий рисоаларнинг биринчи ва иккинчи жилдлари, қорақалпоғистонлик машҳур давлат ва жамоат арбоби Қаллибек Камолов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Бир асрлик умр” китоби, ўндан ортиқ сценарийлар...

Адибнинг юқорида тилга олинган кўламдор романлари ҳақида бирма-бир тўхталсак, гапимиз чўзилиб кетади. Бир қатор таниқли адабиётшуносларимиз ушбу асарларни батафсил таҳлил қилишган. Келгусида ҳам Муродбой Низановнинг қисса ва романлари ҳақида салмоқли тадқиқотлар ёзилишига ишончим комил. Фақат шуни айтишим мумкинки, бу асарларда қорақалпоқ халқининг оғир ва машаққатли кечган бир неча асрлик тарихи, бетакор қадрият ва аъбаналари, оддий инсонларнинг ибратли феъл-атвори, бегубор ички дунёси манамен деб бўй кўрсатиб туради.

Ушбу мақолани ёзиш асносида Муродбой оғанинг ўзим таржима қилган асарларини бирма-бир санашга уриндим. Лекин ҳикоя, ҳажвия ва очеркларнинг ҳаммасини ҳам эслолмадим. Таассуфки, эътиборсизлик туфайли уларни бир жойга тўплаб ёки рўйхатини тузиб қўймаган эканман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби, заҳматкаш адиб Муродбой Низановнинг ўзбек тилига таржима қилинмаган асарлари хали жуда кўп. Агар кимдир шу ишга бел богласа, узоқ йиллар тер тўкишига тўғри келади. Муродбой Низанов ана шундай сермахсул, меҳнаткаш адиб. Муҳими, у кишининг биронта асари қўл учида ёзилмаган. Ҳар бири ўзига хос ва бетакор, катта истеъдод ва юксак маҳорат билан битилган.

Ўрни келганда, ҳеч иккиланмасдан бир гапни айтиб қўймоқчиман: Муродбой Низанов ўзининг кенг қамровли ижоди, теран бадийий-фалсафий тафаккурга асосланган кўламдор асарлари орқали замонавий қорақалпоқ адабиётининг Жўлмирза Оймирзаев, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов сингари даргалари сафидан муносиб жой олиб улгурди. Бунга заррача шубҳам йўқ.

Дарвоқе, Муродбой Низанов 2013 йилнинг кузида қутилмаганда киностудия раҳбарлигидан кетди. Афсуски, “Қорақалпоқфильм” кино-

рининг жами сармоёси тахминан 3,8 триллион долларни ташкил этди. Бу кўрсаткич аксарият давлатларнинг йиллик ялпи ички маҳсулотидан юқори. Бу ҳақда Forbes нашри маълум қилди.

Бойлиги 714,2 миллиард доллар деб баҳоланаётган Илон Маск тарихда сармоёси 700 млрд доллардан ошган биринчи инсонга айланди. 2020 йилдан бери Маскнинг сарвати деярли 30 баравар кўпайган.

Google асосчиларидан бири Ларри Пейж 257,7 миллиард доллар сармоё билан рейтингда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

ТАНКЕРЛАР ҲУЖУМГА УЧРАДИ



Қозоғистон нефтини ташувчи иккита танкер Қора денгизда ҳужумга учради. Ҳодисалар Каспий қувур консорциуми денгиз терминали яқинида содир бўлган. Бу ҳақда Қозоғистон Энергетика вазирлиги хабар берди.



студиясига ўн йил раҳбарлик қилиб, унинг оёқга туриб олишига сабабчи бўлган, миллий адабиётимизнинг пешқадам вакилларида бири бўлган адибни аттестациядан ўтказишмади. Агар шу билан киностудиянинг ишлари янада гуркираб кетганида, бугун бу воқеани тилга олиб ўтирмасдик. Афсуски, амалда бунинг тескариси бўлди...

Муродбой оға ўзининг аввалги касби бўлмиш ноширлик соҳасига қайтиб, қатор йиллар Нукусдаги “Билим” нашриётига раҳбарлик қилди. Бу ерда ҳам тинч ўтирмай, нашриётни ривожлантириш учун енг шимариб ишга киришиб кетди. Тошкентга янада серкатнов бўлиб қолди. Пойтахтдаги қатор вазирлик ва идоралардан буюртмалар олиб, қорақалпоқ тилидаги дарслик ва адабиётларни чоп этишни йўлга қўйди. Натижада қисқа фурсатларда ушбу нашриётнинг ҳам ишлари юришиб, ходимларининг қосаи оқариб қолди.

Ўтган йили Муродбой оға ўз ихтиёри билан нашриёт директорлигидан истеъфо берди.

— Ёшим анчага бўлиб қолди, бу ёнгга соғлигимни ўйламасам бўлмайди, — деди у киши қутилмаган қарорини изоҳлаб. — Бундан буён уйда бемалол оёқни узатиб, оқлиқларни эркалатиб ўтирмақчиман.

Ўшанда “мен билган Муродбой Низанов уйда тинчгина неварга суйиб ўтириши мумкин эмас”, деган ўй кўнглимдан ўтди. Шундай ҳам бўлди. Тез орада оғамиз ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қардошлиги мавзусига бағишланган “Қўприк” деб номланган янги, ажойиб сценарийни каминага юборди. Қуни кеча тезкор почта ходими у кишининг атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳақида ёзилган янги асарини қўлимга тўтказиб кетди. Хуллас, Муродбой оға омон бўтсалар, биз сингари таржимонларга иш топилади.

Янги йил арафасида у киши алламаҳалда кўнгироқ қилиб, байрам билан табриклади. — Умр вафо қилса, кираётган йилда 75 ёшга тўламан, — деди сўнг мақсадга қўчиб. — Фарзандлар билан шогирдлар “йубилейингизни ўтказамиз” деб бел боғлаб турибди. Шунга Тошкентдан ҳам кўноқ айтмоқчиман. Ўзинг уларни бошлаб келсан.

Бу тақлифдан хурсанд бўлдим. Чунки айнан Муродбой оғанинг асарлари орқали кашф этганим — бепеён қорақалпоқ диёрини, ушбу заминда яшайдиган дарёдил инсонларни анчадан бери соғиниб, шу томонларга оёғим тортиб юрган эди. Шунинг учун у кишига “Насиб этса, албатта борамиз”, деб ваъда бердим.

Яна нима ҳам дейман. Тез орада таваллуд тўйингизда кўришгунча омон бўлинг, Муродбой оға!

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

‘Оқлиқ – қорақалпоқ тилида “набира”.

ЖАҲОН АЙВониДА

ГРЕНЛАНДИЯ НЕЧА ПУЛ?

АҚШ президенти Дональд Трампнинг Гренландияни қўлга киритиш режаси мамлакатга 700 миллиард долларга тушиши мумкинлиги маълум бўлди. Бу ҳақда The Independent хабар берди.



Трамп Дания ҳудуди ҳисобланган ушбу оролни “у ёки бу йўл билан” эгаллашга ваъда берган, бироқ Дания ва Гренландия ҳамда Евроосиё расмийлари бу баёнотларни кескин рад этиб келмоқда.

АҚШнинг таҳдидлари фонида Франция ва Германия бошқа Европа давлатлари қатори оролга ўз қўшинларини юборишини маълум қилди.

Германия Мудофаа вазирлигининг билдиришича, Бундесвернинг 13 кишилиқ разведка

гуруҳи кеча Гренландия пойтахти Нуук шаҳрига йўл олди. Ушбу миссия Дания ҳукумати тақлифига биноан амалга оширилмоқда.

ИСРОИЛ БМТДАН УЗОҚЛАШМОҚДА
Исроил ташқи ишлар вазири Гидеон Саар мамлакат БМТнинг 7 та агентлиги ва унга қарашли тузилмалар таркибидан чиқишини эълон қилди. Бу ҳақда The Jerusalem Post хабар берди.




Куддус ушбу қарорини мазкур ташкилотларнинг Исроилга нисбатан адоватли муносабати ҳамда “самарасиз бюрократия” билан изоҳлади.

ҲАРБИЙ ҲОЛАТ МУДДАТИ
УЗАЙТИРИЛДИ

Украина Олий радаси мамлакатда ҳарбий ҳолат ва умумий сафарбарлик муддатини 90 кунга узайтириш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Лойиҳани Укра-

на президенти Володимир Зеленский парламентга киритган.



Шундай қилиб, Украинадаги ҳарбий ҳолат режими 3 февралдан 4 майгача узайтирилди. Қонун лойиҳасини 330 нафар халқ депутати қўллаб-қувватлади (энг ками 226 овоз талаб этилади). Яна 312 овоз билан Украина парламенти умумий сафарбарлик муддатини ҳам 90 кунга узайтирди.

ДУНЁНИНГ ЭНГ БОЙ ОДАМЛАРИ
Дунёнинг энг бой 20 нафар миллиарде-



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Собиқ тузумнинг қатагон даврида бегуноҳ кишиларни “халқ душмани” деган даҳшатли айблов билан ҳибсга олиш, отиб юбориш сотқин ва тамагир амалдорларга камдек кўринган. Улар коммунистик партияга садоқатини билдириш учун марказдан тушган ҳар бир топшириқни ортиғи билан адо этиш мақсадида айбловлар доирасини кенгайтирган. Маҳкум ким, қайси жиноятда айбли деб топилаётганидан қатъи назар, деярли барча ишга Жиноят кодексининг 58-моддаси қўшиб қўйилиб, “давлатга хиёнат” деган умумий айблов шу тариқа одат тусига кириб қолган эди. Жумладан, Даврон Искандаров ҳам ана шундай “режа”, яъни “одат” қурбонига айланган.



Даврон Искандаров.

Даврон Искандаров 1903 йили Самарқанд округи Юқори Дарғом районидан оддий ишчи оиласида туғилди. Бу давр Туркистон ўлкаси учун ижтимоий тенгсизлик, ғоят оғир меҳнат ва йўқсиллик ҳукм сурган йиллар эди. Қаҳрамонимизнинг отаси Самарқанд шаҳридаги гишт заводидида қарийб ўттиз беш йил меҳнат қилиб, рўзгор тебратадди.

Даврон болалик йилларидаёқ ана шу меҳнат муҳитида улғайди. Кунлари ўқишдан кўра кўпроқ гишт заводидида ўтарди. Шу боис, олдинига тайинли хат-савод чиқаришнинг имкони бўлмади. Гарчи 1915 йилга қадар отаси қарамонидан ўсган бўлса-да, меҳнатлар бола-кайни тез улғайтириб қўйди, бола бўлиб болалик кўрмади. Олдинига эл қатори маҳаллий шароитда савод чиқарди. Бироқ Биринчи Жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда иқтисодий танглик ортидан оила гишт заводидан келиб турадиган бирдан бир даромадидан ҳам айтарлиқ узилди. Даврон ўзи шушиз ҳам узук-юпук давом этаётган ўқишнинг тўхтатиб, ўзини тамоман меҳнатга урди.

1915–1918 йиллар ораллиғида қишлоғидаги бир бойнинг мол-ҳолини етовлаб боқиб, шу зайл оиласига қўмак берган бўлди, чўпонлик қилди. Хали ёш Давроннинг илми ҳам, ўқиши ҳам, сабри ҳам, чидами ҳам шу – дала-дашт бўлди. Бу йиллар унинг ҳаётида қишлоқ турмушидаги тенгсизлиқни англаш учун қулай палла ҳам эди. Чунки бевосита ўзи гу-

воҳ бу манзаралар унинг дунёқарашига секин-аста таъсир қилиб, ҳаётга муносабатини шакллантириб борди. 1918 йилдан бошлаб Даврон Искандаров отаси билан ишлаган ўша гишт заводига қайтди. Бир маҳаллар бола бўлиб кузатган муҳитга энди тўлақонли иштирокчи сифатида кириб келди.

1921–1924 йилларда шаҳар устакхоналарида иш ўрганди, шоғирдлик қилди. Инқилобдан кейинги йилларда Самарқанд каби шаҳарларда ишчиларга талаб ортиб, устакхоналар янги ҳаёт тартибини бошдан кечириётган эди. Айни пайтда устакхоналар шунчаки меҳнат жойи эмас, турли суҳбат ва баҳслар кечадиган кўздан пана макон ҳам эди. Кечагина чўпон, гишт заводидида ишчи бўлган қаҳрамонимиз энди ўзини давлат ишларига дахлдор ҳис қила бошлади. Чала қолган ўқишини ҳам муостаҳкамлаб борди. Давр билан ҳамнафас бўлишга интилди. Ана шу йиллар уни оддий ишчи муҳитида пишитиб, кейинчалик жамоат ва партия фаолиятига олиб чиққан йўлнинг бошланиш нуқтаси бўлди. Ва афсуски, қаҳрамонимизни турли бўҳтонларга йўлиқтириб, куракда турмас, йўқ айбларни бўйнига олиб, террор гирдобига тортиб кетган ҳам... мана шу йиллар, йўллар эди.

1925 йилда партияга қабул қилиниши билан Даврон Искандаров Самар-

қанддаги округ совет-партия мактабига юборилади. Илгари меҳнат муҳитида тобланган ёш ишчининг ҳаёт тажрибаси эндиликда муайян мафқуравий қолиплар ичига солина бошланади. Бу жараён шахснинг ички эҳтиёжларидан кўра, давр талабига мос келадиган, бошқарува қулай кадрлар тайёрлаш мақсадини кўзлар эди. Кейинчалик айнан шу тайёргарлик оддий ишчининг тақдирини сиёсий жараёнлар билан боғлаб қўйган занжирнинг муҳим ҳалқасига айланади.

Ўқишни тамомлагач, Даврон Искандаров партия ташкилотчиси сифатида турли ҳудудларда ишга жалб этилади. 1927–1930 йилларда у Самарқанд округи ҳамда қатор туман партия кўмиталарида котиблик, ташкилий бўлим мудирлиги каби лавозимларда фаолият олиб боради. Бу йиллар мамлакатда жамоалаштириш сиёсати жадаллашиб,



маъмурий бошқарув тобора қатъий тус олаётган даврга тўғри келган.

Айни шароитда ишчи оиласидан чиққан, меҳнаткашлар турмушини яхши билган кадрлар партия аппарати учун ўта зарур ҳисобланарди. Бундай шахслар орқали марказ сиёсатини маҳаллий муҳитга сингдириш, янги тартиб-қоидаларни жорий этиш осонроқ кечарди.

1930 йиллар бошида Даврон Искан-

даровнинг хизмат йўли янада кенгайиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тизимида масъул вазифаларга жалб этилади. Кейинроқ туман партия кўмитаси котиби сифатида ишлаб бошлайди. Бу лавозимлар ташкилий ишларни юритиш билан бирга, беқарор сиёсий вазиятда эҳтиёткорона ҳаракат қилиш-ни-да талаб этар эди.

1931 йилдан эътиборан Даврон Искандаров Тошкентдаги Ўрта Осиё марксизм-ленинизм институтига ўқишга юборилади. Бу ўқув даргоҳи ўша даврда партия-давлат тизими учун кадрлар тайёрлашда муҳим бўлин ҳисобланарди. Институтида ўқиб-ўрганар экан, қаҳрамонимиз бирваракайига партия ташкилоти котиби сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Шу йўсинда унинг ҳаёт йўли тобора мафқуравий ва маъмурий тузилмалар ичига чуқурроқ кириб бориб, давлат



бошқаруви механизмлари билан ипсиз боғланиб қолади.

30-йиллар ўрталарида Даврон Искандаров Фаргона шаҳар партия комитети котиби лавозимидида ишлаётган эди. Бу пайтгача у турли ҳудудларда “имтиҳондан ўтган” кадр сифатида шаклланиб улгурганди. Аммо айнан шу босқичда унинг шахсий тақдири мамлакатда кечаётган умумий сиёсий ўзгаришлар билан уйқашиб кетди.

Жамиятда саросима кайфияти авж олиб, кечагина тўғри йўлда деб ҳисобланган шахслар ҳам шубҳа остига олина бошлади. 1936-1937 йилларда “халқ душманлари”ни фош этиш сиёсати оммавий тус олгач, илгари партияга садоқати, тажрибаси билан мақталган кадрлар энди миллатчилик, буржуа-аксиклинкалибий фаолиятда айблана бошладди.

1937 йилнинг ноябрь ойида Даврон Искандаров “аксиклинкалибий миллатчи ташкилот аъзоси” деб ҳибсга олинади. Тергов материалларида унга Ўзбекистонни СССРдан ажратиш, совет ҳокимиятини қуроли йўл билан ағдариш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қасддан зарар етказиш каби жиноятлар тиркалди. Бу айбловлар ўша йилларда кўплаб партия ва жамоат ҳодимларига нисбатан қўлланилган умумий қолипдан фарқ қилмас эди.

Тергов жараёнларида қаҳрамонимиз бўйнига олиб қўйилаётган барча айбларни кескин рад этиб, уларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини билдирди. Бироқ ўша эски гап – ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ барабар ёнади. Терговчилар ўз қаршида турган шахс учун кўр ва қар эди. Айблов хулосаси бунга қадар аллақачон шакллантириб бўлинган, инсон тақдири сариқ қақага арзимас эди.

1938 йил 5 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида Даврон Искандаров иши ёпиқ тарзда кўриб чиқилади. Суд жараёни қатагон йилларига хос тартибда – ҳеч қандай гувоҳларсиз, ҳимоячи иштирокисиз ўтади. Суд жуда қисқа вақт ичида Даврон Искандаровни ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топиб, отувга ҳукм этади. Ҳукм ўша кунёёқ ижро этилади.

Ишчи оиласида туғилиб, оғир меҳнат муҳитида вояга етган, оддий чўпон-лиқдан устакхонага, у ердан эса партия аппарати-гача бўлган йўлни босиб ўтган Даврон Искандаров шу тариқа 35 ёшида қатагон гирдобига тортилиб кетди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ТАРИХДАН САДО

“Қатагон қурбонлари” китобини варақлар экансиз, совет тузумининг қонли обжувоти минг-минглаб бегуноҳ инсонларнинг ҳаётини барбод қилганига амин бўласиз. Китобдаги Навоий вилоятига оид рўйхатда ғозгонлик тўрт нафар юртдошимиз номин қайд этилган.

Зоиров Жума, Камолов Карим, Мусаев Исмоил, Турдиев Абдурахимлар солиқ комиссиясининг йиғилиш қарори билан 1930 йилларда қулоқ қилиниб, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинади. Лекин совет юриси шу билан қаноатланмай, “айбдор”ларни қабрга тикмагунча тинчмайди.

Бу тўрт жафокашнинг айби нима-ю, нега жазога тортилган, деган саволга, афсуски, жўяли жавоб топиш қийин. Нега? Чунки улар айбсиз айбдорлар эди. Уларнинг “айб”и – йўқсил



бўлмагани, аксинча, саводли бўлгани, оқ-қорани танигани, совет тузумининг асл қиёфасини англагани эди. Аслида, улар эл-юрт манфаати учун яшаган, тайин касб-корли, тадбиркор, ҳалол топиб, ҳалол яшаган инсонлар эди.

Фақат мустақиллик даврига келибгина, бу жафокаш инсонлар, жумладан, моҳир муҳандис ва тоштарош Абдурахим Турдиев ҳақида ҳам ҳолис ҳақиқатлар юзага чиқди. “Ўзбекистон тарихи” телеканалида “Қатагон қур-

бонлари хотираси” музейи директори, профессор Бахтиёр Ҳасанов ва музей ходими Баҳром Ирзаевнинг чиқишлари, “Навқирон Ғозгон” газетасида Абдурахим Турдиевнинг авлодидан бўлмиш сангтарош уста Шавкат Аҳмедовнинг “Шайх ва муҳандис” номли мақоласи кўнгилларга чироқ ёқди.

Абдурахим Турдиев 1877 йилнинг 19 декабрида руҳоний оилада дунёга келади. Унинг отаси мулла Турдимурод хожи, онаси Очил ойиной мулла Охун қизи, тоғалари уста Мўмин ва шоир Олим Ғазоний – барчалари илмли инсонлар бўлган. Акаси Абдураҳул ҳам мадрасани битирган, Шохимардон масжидида имомлик қилган. Шаҳар вайрон этилиб, таланади. Халқ Совет Республикаси ташкил этилиши – советларнинг ғаразли ўйини эди. Республика ташаббускорлари ва уларга ҳаммаслақ бўлганлар ас-

эди. У шу соҳага қизиқиши ва иқтидори билан эътиборга тушади, ҳаммаша бир қўли китобда, бир қўли меҳнатда бўлади. Билишини, ақлини, у ва акаси Абдураҳул Нақшбандия тариқатига мансуб бўлиб, “Дил ба ёру даст ба қор” таълимотини мўқаддас билган, шу боис, тоштарошлик, чорвачилик, деҳқончилик билан шўғулланган.

Абдурахим Турдиев 1900–1905 йилларда Абдулахадхоннинг Санкт-Петербургда қурдирган масжиди, Қримдаги “Дилқушо” саройи, Железнодорож (Темир-Суй)даги санитарий-си қурилишларида етакчи муҳандис-қурувчи сифатида муҳим ва масъул вазифалар сафарбар этилади. Қурилишлар тугагач, ўз юртига қайтган Абдурахим бу ерда ҳам катта бунёдкорлик ишларига бош-қошиқ қилади. Бухородаги Ситораи Моҳи Хосса оромгоҳи, Карманадаги Қосим Шайх мажмуасида Абдулахадхон даҳмасини бунёд этиш масъулияти юклатилади. Амир Олимхон ишнинг пишиқ-пухталигини қадрлаб, уни “муҳандис” унвони билан тақдирлайди ва мукофот сифатида ҳозирги Навбахор тумани Бешрабат қўрғонидан 50 таноб узумзор боғ ҳада қилади.

Муҳандис шундан сўнг 1910 йилларда Деҳибаландда Имоми Ҳасан ва Имоми Хусайн масжиди, 1906–1915 йилларда Ғозгонда тўрт мармар устунли, тўққиз гумбазли мараққо услубига хос масжид қурилишига раҳбарлик қилади ва бош уста сифатида фаолият кўрсатади.

Лекин 20-йиллардан бошлаб қутилмаган ноҳуш ўзгаришлар ўз бера бошлайди. 1920 йил 2 сентябрь кунин Бухоро шаҳри советлар томонидан шафқатсиз бомбардимон қилинади. Шаҳар вайрон этилиб, таланади. Амир хазинаси вагонларда олиб кетилади. Бухоро амирлиги тугатилганидан кейин, унинг ўрнига Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилиши – советларнинг ғаразли ўйини эди. Республика ташаббускорлари ва уларга ҳаммаслақ бўлганлар ас-

та-секин жиноятчиға чиқарила бошлайди. 1923 йилда Файзулла Хўжаев атрофида уюшган “Ёш бухороликлар” жамияти аъзолари ҳокимиятдан четлатилиб, жиддий таъқибга учрайди. Хўрифир фаол миллатпарвар Абдурахим ҳам Бухородан Ғозгонга қайтишга мажбур бўлади.

Афсуски, бу ерларда ҳам нотинчлик бошланган эди. Қутилмаганда унинг ғанимлари, советлар ташаббуси билан бўлса керак, “от ўғрилиги” воқеасини тўқиб чиқаради ва ўғрилиқда муҳандисни айблади. Бу Бухоро ва Карманадаги ўнлаб қўрбоши гуруҳларини бирлашишга ва маҳаллий халқни советларга қарши курашга даъват қилаётган Абдулқаҳҳорга муҳандисни ёмон кўрсатиш учун ўйлаб топишган бир найрағ эди. Чунки йўқолган от Абдулқаҳҳорга тегишли эди. Абдулқаҳҳорнинг мадрасадеш дўсти Ғозгонлик мулла Жума орага тушиб, Абдурахимга бундай ишлар бегона эканини айтиди ва унга қафил бўлади. Кўп ўтмай ўғрилиқ ошқор бўлиб, ҳақиқат ойдинлашади. От бошқа бир кишидан топилади.

Хали бу масала совимади тулоб, “қулоқлаштириш” бошланади. Ҳалол меҳнатидан даромад қилиб, ўзига тўқ яшаётган муҳандис биринчилардан “қулоқ”қа тортилади. 1932 йилда унинг бор бисоти: 30 таноб ери, 150 бош қўйи, туялари, отлари, сигиру хўкизлари, буткул ховли-жойлари қолхозга ўтказилади. Бола-чақаси учун бир четдан катакдеккина ярим вайрона бино қолдирилади. Шахсий қорхонаси ҳам ёпилиб, дондор уста Нуротадаги ширкатлардан бирига сангтарош қилиб ўтказилади.

Замон оғирлашиб, Бухородаги маслақдорлар бошига оғир кунлар тушаётганини кўрган Абдурахим имкони борида фарзандларини уйли-жойли қилиш ташвишига тушади. Қизлари Ҳамида ва Ҳакимани шошилинч турмушга узатиб, ўғли Аҳмадини уйлантиради. Шубҳаланганча бор экан, мамлакатда катта террор бош-

ланади. Саноқли кундан кейин Файзулла Хўжаевнинг маслақдоши сифатида унинг ҳам изига тушади.

1937 йилнинг 14 ноябрида 60 ёшли муҳандис совет жамиятига қарши айбловлар билан сўроққа тортилади ва баднийат “учлик” қарори билан Каттакўрғондаги турмага қамалади. 1937 йилнинг 23 ноябрь кунини терговчи Гулиевнинг бўҳтон ҳужжатлари асосида унга 10 йиллик жазо муддати берилади ва ҳозирги Хатирчи туманининг Зарафшон фермерлар уюшмаси ҳудудида бўлган меҳнат лагерига жўнатилади.

У шу ерда оиласи билан учрашар экан, бу сўнгги учрашув эканини кўнгли сезиб, эзिलाди. Шундан кейинги ҳаёти эса сирга айланади. То ҳозирга қадар унинг кейинги тақдири нима кечган, қаерга жўнатилган, қачон вафот этган, қабири қаерда, деган саволларга жавоб йўқ. Водариг, неча йиллар давомида қўқсидан ҳарорат берган бир бўлақ Ғозгон мармари унинг қабрига насиб этмаса-я! Бу воқеалардан сўнг, унинг фарзандлари, аҳли аёли ва яқинлари ҳам маломат домиди қолади. Акаси Абдураҳул ҳам “мулла” айблови билан беш йиллик жазони Зангиотадаги меҳнат лагерига ўтади.

Қачонки, Сталин ўлганидан кейин қизи Ҳакима онаси Пулатой билан Самарқанд вилояти ижроия кўмитасига ариза ёзиб, Абдурахим Турдиев жиноятчи эмас, меҳнаткаш инсон бўлганини далиллар асосида баёнлаб, жиноят ишини қайта қўришни сўрайди. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топади. 1960 йил 27-28 апрель кунлари иш қайта ўрганилиб, Абдурахим Турдиев айбсиз деб топилади ва ўша йилнинг 19 май кунини оқланади. Муҳандис ва зукко сангтарош Абдурахим Турдиевга қўйилган ноҳақ айбловлар бекор қилинган “Қатагон қурбонлари” китобида ҳам ўз ифодасини топган.

Суюндик МУСТАҒО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

АЗИЗ ХОТИРА



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Хусниддин Қирғизбоев – 1901 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Жамияти Исломия” ва “Нашри маориф” ташкилотларида котиблик хизматида бўлган. Ҳибсга олинганида аниқ машғулотли бўлмаган. Аҳоли орасида доимий равишда аксиклинкалибий тарғибот олиб борган, бу билан совет ҳукумати ва унинг тадбирларини бадном қилиши, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш учун курашга чақирганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган, унга қарашли мулк, буюмлар мусодара этилган.

Мукаррам Абдуллаев – 1890 йили Ворошилов райони Хонабод қишлоғида туғилган. 1920 йили аксиклинкалибий ташкилот “Шўро Ислон”га кирган. Қамоққа олинганда қолхоз аъзоси бўлган. Пахта терими ва пахта топшириш бўйича давлат режасини бузганликда, СССРда очарчилик тўғрисида ивго миш-мишлар тарқатганликда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 20 октябрдан ҳисобланган.

Лутфилла Алимов – 1910 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Олтириқ қишлоғида яшаган. 1931 йилдан 1935 йилгача Ўзкомпартия аъзоси, партия ҳужжатлари текширилган вақтда партиядан ўчирилган. 1926 йилдан “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси сифатида аксиклинкалибий тарғибот билан доимий равишда машғул бўлганликда, совет ҳокимиятига қарши қаратилган миллатчилик фикрлари учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-банди билан айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

Ҳакимхўжа Аббосхўжаев – 1889 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксиклинкалибий ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган. Ҳибсга олингунга қадар район матлубот жамияти ҳузуридаги сут заводидида инструктор бўлиб ишлаган. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятида бўлиб аҳоли орасида аксиклинкалибий тарғибот олиб борганликда, Олий Советга сайловлар тўғрисида тухмат тарқатганликда, “Яширин овоз бериш – ўзбекларга қарши курашдир”, деб айтганликда айбланган. У 3318-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган.

Абдулла Аҳмедов – 1892 йили Жиззах шаҳрида туғилган. Аксиклинкалибий фаолияти учун 1933-1934 йиллари қамоққа олинган. Ҳибсга олингунга қадар театр хўжалиги мудири бўлиб ишлаган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлиб аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланиб 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган.

Комилжон Алимов – 1903 йили Тошкентда туғилган. 1910 йили татар мактабида, кейинчалик рус-тузем мактабида ўқиган. Оилавий шароити оғирлиги сабаб ўқишни ташлаб, 1915 йилгача полковник Шонмов қўлида хизматда бўлган. Февраль инқилобига на пиво заводидида ишлаган, дўконда фаррошлик қилган. “Тўдалар” номли ёшларнинг миллий социалистик гуруҳига кирган. 1919 йили Тошкент эски шаҳар ошпазлар союзининг котиби ва раиси бўлган. 1921 йили Москвада Шарқ мамлакатлари коммунистик университетидида (КУВТ) таҳсил олган. Москвада ўқиган ўзбекистонлик талабалар комсомол ташкилотига раҳбарлик қилган. Туркистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд областлари комсомол ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. 1924 йили Туркистон Компартияси Марказий Комитети матбуот бўлими мудири бўлиб ишлаган. Ўша йили Москвадаги журналистика институтига ўқишга қабул қилинган. Тахсилни тугатгач, Ўзбекистондаги газеталарда муҳаррирлик қила бошлаган. 1925 йил декабрида Москвада бўлиб ўтган ВКП(б) XIV съездида, 1926 йили Бутунўзбек партия ташкилотининг 2-қурултойига вакил этиб сайланган. У Ўзбекистон давлат нашриётга, Тошкент Эски шаҳар советига, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси матбуот бўлими коллегиясига аъзо бўлган. 1926 йили бир вақтнинг ўзидида 2 та газета ва 3 та журналга муҳаррирлик қилган. У журналистика бўйича республикада танилган нуфузли раҳбар сифатида қадрланган. Аммо аксиклинкалибий ҳаракатда айбланиб, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АҚБАРОВА,
музей илмий ҳодимаси

(Давоми келгуси сонда).



СУЮНЧИ



ИККИ "ГУЛИСТОН"

ёхуд ИККИ КИТОБ БЎСТОНИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан жамиятимизда мутолаа маданиятини шакллантириш ва китобхонлиқни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида юртимизда китоб нашр қилиш ва мутолаа жараёнлари янги босқичга чиқмоқда.

Кунни кеча Хавфсизлик кенгашининг кенгайрилган йиғилишида эълон қилинган Янги Ўзбекистоннинг миллий армияси сафидаги фаол китобхонларни электромобиллар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклиф мисли қўрилмаган маърифий қадам бўлди. Очиги, ҳарбий қисм кутубхонаси бошқа мутолаахоналарга нисбатан доимо гавжум. Чунки қатъий тартиб-интизом барқарор бўлган муҳитда аскар чалғиши, бемаъно ва бе-



маъни ижтимоий тармоққа кун айлана боғланиб, олтиндай вақтини жувонмарг қилишига йўл қўйилмайдиган. Асосийси, ҳар йили хизматдан қайтадиган йигирма уч минг йигит агар "Алпомиш" у "Уткан кунлар"ни, "Ўзбекистон" ва "Ватаним мени"ни онгу шуурига жо қила олса, бу йигирма уч минг кўчада навқирон эъли, маърифат таратувчи пайдо бўлди деяверинг. Ана шунда армиянинг нуфузи янада юксалиб, аскарлик сафига даъвогарлар сафи кенгайиб бораверади.

Шу қисқа даврда мамлакатимизнинг турли туманларида ахборот-ресурс марказлари сони ошди, қувонарлиси, сармаюдор инсонлар ташаббуси билан шахсий кутубхоналар ташкил қилиш анъана тусини олди. Ўзи тўплаган китоб фонди ҳисобидан шахсий кутубхона очиш истагида бўлган фуқароларга давлат томонидан ёрдам бериш ҳамда бир штат бирлиги миқдорига кутубхона ходимини рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиздаги икки мингдан ортқ хусусий нашриёт томонидан жойлардаги кутубхоналар йил давомида янги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга ҳамда Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида амалдаги йилда кутубхоналарга ўн миллион донга китоб етказиб бериш бўйича масъулларга топшириқ берилгани юртимизда мутолаа майдони янада кенгайиб боришидан дарак беради.

Ҳар бир кўтлуг сана ва байрамлар муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида кўндан-кўп иншоотлар ишга туширилиши, янги хизмат масканлари фойдаланишга топширилиши анъанага айланган. Хоразм вилоятида ҳам Янги йил байрами арафасида ўнлаб янги объект, турар жой, маиший хизмат шохобчалари, шифохона ва бошқа тадбиркорлик иншоотларининг рамзий қалитлари эгаларига тантанали топширилди. Бизни мамнун этгани, янги иншоотлар орасида икки-

та шахсий кутубхона фаолият бошлагани бўлди. Хонқа туманидаги "Гулистон" маҳалласида иш бошлаган шахсий кутубхона ташаббускори "Хонқа ҳаёти" газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мухаббат Сафоева бўлди. У ўз маблаг ҳисобидан икки қаватли кутубхона қурди ва умр бўйи тўплаган икки мингга яқин китобларини маҳалла аҳли фойдаланиши учун тақдим этди. Кутубхонанинг очилиш тадбирига воҳа ижодкорлари қуруқ қўл билан келмади – совға ўрнида китоблар келтирилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам бу ташаббусни қўллаб, янги кутубхонага етти юз донга яқин китоб тўплами совға қилгани, нур устига нур бўлди.

"Гулистон" маҳалласи – ўз номига муносиб, нафақат туманда, балки вилоятда ҳар томонлама обод, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича барча тизимларга эга, тадбиркорлик тараққий тоғанидан ишсизлар деярли қолмаган, турли атамдаги "дафтар"ларга номлари киритилган фуқаролар сони камлиги билан танилган маскан. Кўчалари шаҳар кўчалари билан беллашгудек, шинам ва чиройли. Аҳоли томорқалари ва иссиқхоналарида йил ўн икки ой етиштирилаётган маҳсулотларнинг бир қисми хорижга ҳам чиқарилмоқда. Албатта, ишбилармонлик ва уддабуронлик ўз-ўзидан бўлмаган. Маҳалла аҳли ишлаганга яраша маданий ҳордиқ чиқаришни ҳам билади, энг асосийси, мутолаага кўнгил қўйган. Шу маънода, янги кутубхона билан барча, айниқса, ёшлар хурсандчилик билан кутиб олди. Янги кутубхонанинг расмий очилиши якунига етмасдан туриб, китоб олиш учун келган ёшлар навбатга қатор тизилгани сўзимиз исботидир.

Хонқанинг Сарапоён қишлоғидаги "Гулистон" маҳалласида бошланган қувонч Янгибозор туманидаги "Гулистон" маҳалласида давом этди – шу маҳаллалик ижодкор, "Янгибозор кўзгуси" газетаси ходимаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шодиябону Султонованинг шахсий китоб фондидан таркиб тоғган уй кутубхонаси очилиши байрам шуқуҳини янада оширди. Вилоятнинг энг чекка қишлоқларидан бирида ташкил қилинган мазкур кутубхонадан мингдан ортқ ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари ўрин олган.

"Маҳалламизда уч мингдан ортқ аҳоли бор, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пулат Матқурбонов. – Масканимиз туман марказидан узоқда жойлашган. Шоира синглимиз ташаббуси билан очилган шахсий кутубхона ёшларимиз учун айна мударо бўлди. Маҳалла фахрийлари, туман ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, китоб фонди мунтазам ўсиб бориши учун ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканини билдирди. Президентимиз 2026 йилни – "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилди. Маҳалла ривожини учун нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки маънавий ўсиш ҳам асосий омиллардан биридир. Маънан етук инсонгина жамият юксалишига ўз улушини қўша олади. Маҳалламизда очилган янги кутубхона олдимизда турган муҳим вазифаларни адо этишда маънавий пойдевор бўлади, деб ишонамиз".

Янги кутубхоналарнинг кетма-кет очилишида иштирок этган воҳалик яна уч нафар ижодкор шу йилнинг ўзида шахсий кутубхона очиш режасини маълум қилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

Рўзимбой ҲАСАН

МУЛОҲАЗА

ЎЗИ УСТОЗ БЎЛАР
УСТОЗ КЎРГАНЛАР

– Мени танимадингизми, ахир мен фалончи блогерман!
– Узр, қайси ном билан қандай мавзуларда блог юритасиз?
– Барча мавзуда. Интернетда ҳамма "Ҳаққуш" номи билан билади мени.
– Шунақами? Мен билган кўпгина блогерлар аниқ бир йўналиш бўйича фаолият юритади.
– Улар менга ўхшаб кўп соҳани тушунмайди-да, шунинг учун биттаси билан чекланади.
– Қайси соҳа бўйича мутахассис-сиз?
– Олий маълумотим йўқ. Мактабни битирганман".

Бугун ижтимоий тармоқларда ҳар қандай мавзунинг ёритиш мумкин, аммо журналистика – бу фақат ахборот тарқатиш эмас, балки билим, масъулият ва мактаб демакдир. Ана шу мактабнинг бардавомлиги эса устозга боғлиқ.

Ёшлигимдан журналист бўлишга қизиққанман. Уйда алоҳида хонада ойнага қараб, ўзимга-ўзим худди телевизорда бирор кўрсатувни олиб бораётгандек, матн тўзиб, гапириб машқ қилардим. Журналист бўлиш орзуим борлигини бир устоз ижодкорга айтдим. Устоз бироз ўйга толиб турди-да, "ўйлаб кўр, журналист бўлсанг, қосанг оқармайди", деди. Шошиб ўйга келиб қосага қарадим. Қоса оқ эмас, оппоқ! Ҳайрон бўлганман.

Журналист фаолияти давомида малака



ва тажриба орттириши табиий. Ўрганиш, суриштирув, таҳлил, пресс-турлар орқали у қўллаб соҳаларни ўзлаштиради, фикр доираси кенгайди. Ана шу жараёнда ёшларга шароит яратиш, тўғри йўл кўрсатиш катталарнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугун, айниқса, босма нашр журналистикасида танқидий, таҳлилий ва мулоҳазали мақолалар ёза оладиган ёшлар сони кам.

ТИЛБИЛИМ

ВУЛКАНДАН ОТИЛИБ
ЧИҚҚАН ВУЛҚОН

Вулқон сўзи кўринишидан ҳам табиатидан соф ўзбекчадай туюлади. Бу сўз тилимизга ўз фарзандидай сингишиб кетган. Бу сўзга "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да шундай изоҳ берилган:

"ВУЛКАН (лотинча vulkanus – ўт, олов) – қадимги Рим мифологиясида олов ва темирчилик маъбудини номи. Ер пўстидаги ёриқлар, каналлар орқали лава, иссиқ газ, сув буглари ва жинс бўлақларини чиқариб турадиган геологик тузилма".

Ўйлаб кўринг-чи, агар бу сўзни ўзбеклаштириб, вулқон деб эмас, балки аслидагидай вулкан деб қабул қилганимизда бу сўз тилимизга ҳозиргидай сингишиб кетармиди? Менимча, йўқ. Миллатимизда Вулқон деган исмлар ҳам бор. Бу сўз вулкан шаклида қабул қилинганда у ҳеч қачон исмга айланмасди.

Ҳўш, табиатнинг катта ҳодисаларидан бирини ифодаловчи вулқон сўзи тилимизга кириб келмасдан аввал бу ҳодисани билдирадиган сўз бизда бўлганми?

Ҳасан Ато Абушийнинг "Туркий қавмлар тарихи" китобида вулқон олти деб берилган. Бу ҳам асосли. Чунки вулқон отилиб чиқади ва кўпинча вулқон сўзи билан отилди сўзи тилда ёнма-ён юради.

Эшқобил ШУКУР

ҲАЖВ

Шеърнинг зўри

(Саодатманд устозларимизнинг улуғи "Шеърнинг зўри – тўрт сатр", деб лутф урғон эдилар. Камина ҳам бу йўсинда манғалай қашқа, тирсак яғир бўлмоғидан чўчиб турмадим, боз йўнлмаган қалам бирла тилпон тугмачаларини туртиб, ушбун қоралаган жойим. Андак ҳадик ҳам йўқ эмаски, инжиқ шеърхонлар тўртпигимизга бурун жийиб, "тўрт тарафини қибла" деб, йўлланма бервормасалар...)

МАБОДО

У сени самимий ёмон кўради,
Агар булоқ бўлсанг, чўлга буради.
Мабодо, кул бўлсанг, соғура қўққа,
Мабодо, гул бўлсанг, молга беради.

БОЛА

Олам тўла сир, бола,
Англайсан бир-бир, бола.
Мазмунли гапирма, қўй,
Мазмунли жим тур, бола.

ТАВБА

Хотин кўпайтирганлар бари
Олдин кўппаяди, кейин сўппаяди.
Чунки хотин кўпайган сари
Қайнона ҳам ўз-ўзидан кўппаяди.

ХАВОТИР

Масжид эшигидан шошиб, бетокат
Ўзини ичкари урди бир ноқас.
Инсоф бергани чин бўлсини фақат
Кимдир ковушидан айрилмаса, бас...

ЧОРА

Пора олиб турсанг агар ора-чора,
Қўлга тушсанг, бўлмай яна пора – чора.

ЖИНОЯТЧИ

Кетидан қўйсанг ҳам юзта изкувар
Йўлидан қайтмайди эринг – қизкувар.

Турли-туман йилларда турли туманларда битилган.
Гувоҳ – абадий танқидчи Ж.Ф. Бийронов.

Саттор СУРОБ

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Акмал Жумамуродов

Адади – 18 539
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 526
Лотин ёзувида – 12 013
Медиа кузатувчилар – 75 782
Буюртма: Г – 139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ